

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№6/2020(153) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Нодирбек САЛАЕВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 2.12.2020 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 3550 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

17. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

28. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

30. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

40. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

42. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 29 октябрь

№ РС-48-20

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлилларга кўра, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида келиб тушган 6534 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 320 таси қайтарилган, 5426 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1128 таси судлов ҳайъатига ўтказилган, 46 таси назорат тартибида кiritилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, 906 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида

кўриб чиқилиб, 828 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 78 та шикоят (протест) рад қилинган. Жумладан, қаноатлантирилган шикоят (протест)ларнинг 481 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, жами 224 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, шундан 69 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 155 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилмай, жазо чораси камайтирилган, 88 та иш бўйича суд қарорлари Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган ҳамда 5 та иш тугатилган, 30 та иш бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида ишларни кўриш натижалари бўйича 3 та иш бўйича хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши;

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат суд-

ланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"-ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги, Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандида, (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандида, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги;

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят иш-

ларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 25-сонли қарори 6-бандида, апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозимлиги, 21-бандида, Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакалашда нотўғри хулосага келинганлиги назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва беқор қилинишига сабаб бўлган.

Назорат инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятларнинг олди олинишини, айб учун жазонинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат

муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чо-

рагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журналі таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журналі ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Т.Мелибоев) ҳамда вилоятлар ва

уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзори вилоят, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2020 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2020 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйиладиган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида келиб тушган 6534 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 320 таси қайтарилган, 5426 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1128 таси судлов ҳайъатига ўтказилган, 46 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, 906 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 828 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 78 та шикоят (протест) рад қилинган. Жумладан, қаноатлантирилган шикоят (протест)ларнинг 481 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстан-

циясида кўриш учун юборилган, жами 224 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, шундан 69 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси камайтирилган, 155 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилмай, жазо чораси камайтирилган, 88 та иш бўйича суд қарорлари Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган ҳамда 5 та иш тугатилган, 30 та иш бўйича ЖПКнинг 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 906 та ишнинг:

78 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

481 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун апелляция ва кассация инстанцияси судига юборилган;

224 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

88 таси 8 та иш бўйича суд қарорлари Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган, 5 таси иш бўйича иш юритиш тугатилган;

30 та иш бўйича ЖПКнинг 83-моддасига асосан реабилитация қилинган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 210 тасини Тошкент шаҳар, 130 тасини Тошкент вилояти, 40 тасини Хоразм вилояти, 64 тасини Фарғона вилояти, 55 тасини Самарқанд вилояти, 51 тасини Қашқадарё вилояти, 56 тасини Сурхондарё вилояти, 32 тасини Андижон вилояти, 31 тасини Навоий вилояти, 48 тасини Жиззах вилояти, 50 тасини Бухоро вилояти, 66 тасини Наманган, 36 тасини Сирдарё вилояти, 37 тасини Қорақалпоғистон Республикаси судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судларининг 90,1 фоиз (51 та иш кўрилган, шундан 14 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 32 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судларининг 90,6 фоиз (32 та иш кўрилган, шундан 10 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судларининг 96,1 фоиз (130 та иш кўрилган, шундан 58 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 67 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри судларининг 96,1 фоиз (210 та иш кўрилган, шундан 74 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 128 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судларининг 89 фоиз (64 та иш кўрилган, шундан 32 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 25 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судларининг 94,5 фоиз (55 та иш кўрилган, шундан 25 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 27 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судларининг 100 фоиз (55 та иш кўрилган, шундан 25 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 30 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларининг 97,2 фоиз (37 та иш кўрилган, шундан 12 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судларининг 90 фоиз (40 та иш кўрилган, шундан 11 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 25 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судларининг 92 фоиз (50 та иш кўрилган, шундан 9 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 37 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти

судларининг 83,8 фоиз (31 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 20 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судларининг 83,8 фоиз (31 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 20 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судларининг 85,4 фоиз (48 та иш кўрилган, шундан 16 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 25 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судларининг 77,7 фоиз (36 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 22 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида 3 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, уларнинг 1 таси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, 1 таси жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига, 1 таси жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига юборилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган. Жумладан, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 7-бандидаги, ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши 21-бандида, (ЖПКнинг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-банди-

да, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинмаслик;

ЖПКнинг 22-моддасига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши лозимлиги;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 25-сонли қарори 16-бандида апелляция, кассация инстанцияси суди қисман ёки тўлиқ суд тергови ўтка-

зиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозимлиги, 21-бандида, ЖПКнинг 482-моддасига мувофиқ апелляция инстанцияси суди шикоят(протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбурлиги;

2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандида, одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра, чекланиш, ҳукмни қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ судларда қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

1. Суд ҳукмининг тавсиф қисмида суд фуқаровий даъвои қаноатлантириш асосларини келтирмаганлиги, фуқаровий даъвои ҳал қилишда қайси моддий ҳуқуқ нормаларига асосланганлигини баён қилмаганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2013 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра, Г.Р.га Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 266-моддаси биринчи қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят оқибатида "Қорақалпоқавтотеххизмат" АЖга тегишли бўлган "Ласетти" русумли автомашинага етказилган 24.848.084 сўм моддий зарар судланувчи-

лар У.У. ва Г.Р.дан солидар тартибда ундирилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 21 майдаги ажрими билан ҳукмнинг Г.Р.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Г.Р. "Қорақалпоқавтотеххизмат" АЖга тегишли бўлган "Ласетти" русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12.1-бандидаги "Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириши

ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак"лиги ҳақидаги талабини бузиб, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган Ш.Х. бошқарувидаги "Камаз-5320" русумли автомашинасининг чап қисмига урилиб, йўл улов ҳодисаси содир этган. Натижада "Ласетти" автомашинасининг салоида бўлган Ж.А. ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст олган.

У.У. ўзига бириктирилган "Камаз 53212" русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12.1-бандидаги "Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак"лиги ҳақидаги талабини бузиб, оралиқ масофани сақламаганлиги сабабли, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб, йўл улов ҳодисаси натижасида тўқнашувдан кейинги ҳолатда турган, Г.Р. бошқарувида бўлган "Ласетти" русумли автомашинанинг орқа ўнг қисмидан уриб ўтиб, йўл улов ҳодисаси содир этган. Натижада "Ласетти" автомашинасининг салоида бўлган К.Т.нинг ўлимига, автомашина салоида йўловчи сифатида кетаётган И.М.нинг ўртача оғир шикаст олишига сабабчи бўлган.

Суд ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш орқали ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш лозимлиги;

ЖПКнинг 467-моддасида суд, шунингдек, қўзғатилган фуқаровий даъво тўғрисида ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозимлиги ҳақидаги талабларга;

Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида

етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори 7-бандида фуқаровий даъво масаласини ҳал этишда суд ЖПКнинг 467-моддасига биноан айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёки уни рад этиш асосларини, фуқаровий даъвони ҳал қилишда асосланган қонунни кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

10-бандида биргаликдаги жиноий ҳаракатлар натижасида зарар етказган барча шахслар етказилган моддий зарарни қоплашда солидар жавобгар бўлишлари, бир жиноий иш бўйича судлансалар-да, лекин умумий мақсад билан боғлиқ бўлмаган мустақил жиноий ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан солидар жавобгарлик мажбурияти юклатилмаслиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмаган.

Суд ҳукмининг тавсиф қисмида фуқаровий даъвони қаноатлантириш асослари келтирилмаган, фуқаровий даъвони ҳал қилишда қайси моддий ҳуқуқ нормаларига асосланганлиги баён қилинмаган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмининг асослиги ёки асоссизлигини муҳокама қилмасдан, уни ўз кучида қолдириб барвақт хулосага келган.

ЖПКнинг 281-моддасида фуқаровий даъво бўйича иш юритишда зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланиши;

Фуқаролик процессуал кодексининг 999-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади. Бунда бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса, улардан ҳар бирининг айб даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг баравар тақсимланади.

Иш ҳолатларига кўра, Г.Р. ва У.У. бир иш бўйича судланган бўлсалар-да, улар эҳти-

ётсизлик оқибатида жиноят содир этган бўлиб, умумий қасд билан боғлиқ бўлмаган мустақил жиноий ҳаракатлар содир этганлар.

Суд томонидан тайинланган автотехника экспертизасининг 2013 йил 4 апрелдаги 301/13.3-сонли далолатномасида судланган Г.Р. ва У.У. томонидан йўл-улов ҳодисаси содир этилиши натижасида "Ласетти" русумли автомашинага етказилган зарарлар миқдорини алоҳида-алоҳида тадқиқот қилиб ҳисоблаш имкони йўқлиги, фан ва суд-экспертлик амалиётида шу каби муаммоларни ҳал этиш услублари яратилмагани сабабли судга оид транспорт-баҳолаш экспертизаси тўғрисидаги ажрим бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилган.

"QAVTOTEXXIZMET" МЧЖнинг 2020 йил 15 майдаги 04-01/231-сонли маълумотно-

масида жамият фойдасига Г.Р.дан мажбурий ижро бюроси Нукус шаҳар бўлими томонидан жами 16.729.270 сўм, У.У.дан жами 2.400.000 сўм моддий зарар ундирилгани кўрсатилган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 9 июлдаги ажрими билан суд қарорларининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилиб, жиноят оқибатида "Ласетти" русумли автомашинага етказилган 24.848.084 сўм моддий зарар судланувчилар У.У. ва Г.Р.дан ҳиссали ундирилиши белгиланиб, уларнинг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмагани сабабли жавобгарлик улар ўртасида тенг баравар тақсимланиб, Г.Р.га ортиқча тўланган пул маблағини фуқароликка оид иш юритиш тартибида ундириш ҳуқуқи тушунтирилган.

1-1311-2013/17-сонли иш

2. Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам, ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим.

Жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг 2018 йил 1 мартдаги ҳукмига кўра, У.Р.га ЖКнинг 270-моддаси биринчи қисми, 274-моддаси иккинчи қисми "в" банди, 273-моддаси тўртинчи қисми, 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 5 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, У.Р. яшаш хонадони ҳовлисининг томорқасида таркибида гиёҳванд воситаси бўлган тақиқланган экин "конопля" ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парваришлаб етиштирган. Бундан ташқари У.Р. яшаш хонадонида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун бангихона ташкил қилиб, танишлари А.П., С.С. ва Ш.А.ни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга жалб қилиб, улар билан яшаш уйининг меҳмонхонасида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилаётган пайтда ИИБ ходимлари томонидан уш-

ланиб, 2 та алоҳида-алоҳида қоғоз бўлакларига, бир дона "Беламор" номли сигаретага ўралган 1 грамм 320 миллиграмм "марихуана" гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган. Шунингдек, У.Р. яшаш уйи тегирмонхонасида 500 сўмлик пул купюрасига ўралган 0,730 миллиграмм, молхонасида дафтар қоғози бўлагига ўралган 3,490 грамм, айвондаги устун тагида дафтар қоғозига ўралган 0,510 миллиграмм, эски айвон биносида латта бўлагига ўралган 9,680 грамм, жами 15,730 грамм кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаганлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинганлиги сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш жиноятни охирига етказа олмаган.

ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши;

ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисмида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 20-бандида дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарур. Бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖКнинг 25, 273-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги;

25-бандида айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖКнинг 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозда (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳоказолар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, У.Р.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, аниқланган ва судда текширилган далиллар асосида унинг ҳаракатларини ЖКнинг

270-моддаси биринчи қисми, 273-моддаси тўртинчи қисми, 274-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан асоссиз квалификация қилган.

Хусусан, суд У.Р.ни ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан айбли деб топишда ишда тўпланган далилларга асосланар экан, ушбу далиллар қайси жиҳатдан У.Р. кўп миқдорда гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш шаклида ўтказмоқчи бўлганлигини асослантирмаган, ҳукмда юқорида қайд этилган Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларини келтирган бир вазиятда ушбу қарорнинг 25-бандидаги иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилмаган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, У.Р. яшаш уйи тормоқасида гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, етиштириб, яшаш хонадонида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун банги-хона ташкил қилиб, танишлари А.П., С.С. ва Ш.А.ни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга жалб қилган, улар билан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилаётган пайтда ушланган, унинг яшаш хонадонидан турли вазндаги алоҳида бўлақларга ўралган жами 15,730 грамм кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ҳужжатлаштириб олинган.

Гувоҳ С.С. дастлабки терговда ҳодиса куни У.Р.нинг уйига А.П. ва Ш.А. билан бирга иссиқхонани кўриш учун боришгани, иссиқхонани кўргач, У.Р. уйига чой ичиш учун таклиф қилгани, бироздан сўнг У.Р. чўнтагидан сигарет чиқариб, "наша чекасизларми, бир маза қилайлик" деб, наша солинган сигаретни тутатгани, уни чекаётганида ИИБ ходимлари келиб ушлашгани, илгари 2017 йил март ойида У.Р.нинг уйида ер қазиган вақтида бир марта "наша" гиёҳванд воситаси истеъмол қилганлигини баён қилиб, ушбу кўрсатмасини судда тасдиқлаган.

А.П. ҳам шу мазмунда кўрсатма бериб,

илгари 2016 йилда У.Р.нинг уйида гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилганлигини баён қилган.

Судга оид наркология экспертизасининг хулосасида У.Р. "марихуана" гиёҳвандлик воситасини эпизодик ҳолатда истеъмол қилиши кўрсатилган.

Аниқланган ҳолатлардан У.Р. гиёҳвандлик воситасини ўтказганлиги кўринса-да, иш ҳужжатларида уни гиёҳванд воситаси сотганлиги ёки сотмоқчи бўлганлигини исботловчи далиллар мавжуд эмас, бун-

дай далиллар суд муҳокамаси давомида ҳам аниқланмаган.

Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 13 июлдаги ажрими билан У.Р.нинг ҳаракатлари ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисмидан шу кодекснинг 273-моддаси иккинчи қисмига қайта квалификация қилиниб, ушбу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

1-2107-1801/4-сонли иш

3. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2014 йил 17 июндаги ҳукмига кўра, Ҳ.Н. ЖКнинг 273-моддаси учинчи қисми "б" банди билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 11 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазибаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 9 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 23 июлдаги ажримига асосан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилиб, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2014 йил 18 апрелдаги ҳукми билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган 11 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан 11 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазибаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 9 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган деб ҳисобланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2014 йил 21 октябрдаги ЖПКнинг 541-моддаси тартибида чиқарилган ажрими билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган 11 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазибаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 9 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖК 59-моддаси саккизинчи қисми тартибида

тайинлаш, жазо ўташ муддатини 2013 йил 11 ноябрдан ҳисоблаш юзасидан аниқлик киритилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ҳ.Н. 2010 йил август ойида, А.С. билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан ўзаро тил бириктириб, тергов жараёнида шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган шахсдан 4.000.000 сўм эвазига кўп миқдордаги 100 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда;

2012 йил декабрь ойида жиноий шериклари А.С. ва Ю.А. билан олдиндан тил бириктириб, А.С.нинг топшириғига асосан, Ю.А. билан биргаликда Навоий шаҳри ҳудудидаги "Навоий" шоҳбекатида номаълум шахсдан 2 грамм кўп миқдордаги "опий" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда;

2013 йил сентябрь ойида жиноий шериги Ҳ.Қ. билан олдиндан тил бириктириб, Қоракўл тумани, Дўстлик МФЙ, Темирийўл кўчаси ҳудудида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Фулом" исмли шахсдан 300.000 сўм эвазига кўп миқдордаги 5 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ўтказганликда; 2013 йил 6 ноябрь куни Ҳ.Қ.дан Бухоро шаҳри, Мохи-Хосса кўргони ва Фиждувон кўчаларини туташтирувчи айланма йўл бўйида озгинадан кўпроқ миқдордаги 1 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказганликда айбдор деб топилган.

ЖКнинг 7-моддасига кўра, жазо ва бош-

қа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-бандида ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд Ҳ.Н.га жазо тайинлашда юқорида қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига етарлича риоя қилмасдан унинг оилавий шароитини жазосини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этса-да, унинг қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги каби ҳолатларни эътиборга олмасдан, меъёр жиҳатидан бир мунча оғир жазо тайинлаган.

Бундан ташқари суд Ҳ.Н.га жазо тайинлашда уни илгари қасддан жиноят содир этганлиги учун судланиб, яна қасддан жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топган.

Аниқланишича, Ҳ.Н.ни илгари қасддан содир этган жинояти учун судланган деб топиш учун асос бўлган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2012 йил 25 августдаги Ҳ.Н.ни ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми "а" банди, 28, 167-моддаси иккинчи қисми "в" банди, 28, 209-моддаси биринчи қисми билан айбли деб топиш ҳақидаги ҳукми шу суд кассация ин-

станциясининг 2016 йил 16 июндаги ажрими билан бекор қилиниб, жиноят иши ЖПКнинг 83-моддаси иккинчи қисмига асосан тугатилган ва ҳозирда уни жазосини оғирлаштирувчи мазкур ҳолат мавжуд эмас.

Олий суд Раёсатининг 2020 йил 3 июлдаги қарори билан Ҳ.Н.га жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2014 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми "а", "в" бандлари, 209-моддаси иккинчи қисми "а", "б" бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилиб, жазо ўталган деб ҳисобланган.

ЖПКнинг 489-моддасида гарчи жазо ЖКнинг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўй-рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилиши, 491-моддасида, ишни назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилагани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, ЖПК 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 майдаги "Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 11-сонли қарори 24-бандида назорат инстанцияси суди ҳукми, ажримни, қарорни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда ЖКнинг Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида жазо миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 5 августдаги ажрими билан Ҳ.Н.ни қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги каби ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилиб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси

у айбланаётган модда санкцияси доирасида камайтирилган ҳамда унга ЖКнинг 59-моддаси саккизинчи қисми

тартибида тайинланган жазо бекор қилинган.

2-32-14-сонли иш

4. Ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жазоланиши мумкин эмас.

Жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судининг 2019 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, И.А. ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 168-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан 3 йил, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 15 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, И.А. хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2013 йил май ойида жабрланувчи О.А.ни алдаб, унга фермер хўжалиги ишларини юритиш учун пул зарурлигини, шоли ўрими мавсумида 3 тонна шоли беришини айтиб, 1.500.000 сўм пулини;

2014 йил 20 апрель куни Н.А.ни алдаб, унга фермер хўжалиги ишларини юритиш учун пул зарурлигини, шоли ўрими мавсумида 75 тонна шоли беришини айтиб, такроран 50.000.000 сўм пулини;

2014 йил июнь ойи охирида жабрланувчи Г.Б.ни алдаб, унга фермер хўжалиги ишларини юритиш учун маблағ зарурлигини айтиб, 3 тонна буғдой маҳсулоти беришни ваъда қилиб, такроран 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан эгаллаб, талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

1993 йил 22 январдаги "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенциянинг (Минск) 66-моддасида ушлаб берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жазоланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича ишботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, 600-моддасида Ўзбекистон Республикасига ушлаб

берилган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун уни ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жазоланиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бироқ суд қайд этилган халқаро Конвенция ва Қонун талабларига риоя қилмаган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2012 йил 2 февралдаги ҳукмига кўра, И.А.га ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б" банди, 166-моддаси учинчи қисми "а" банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 2 йил 7 ой муддати жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2013 йил 12 апрелдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2014 йил 13 августдаги ажрими билан эса, ўталмаган 7 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган. И.А. шартли муддат давомида ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б" бандида назарда тутилган янги жиноят содир қилган.

2015 йил 9 февраль куни И.А. ЖКнинг 168-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан сиртдан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

И.А. 2018 йил 29 май куни Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ушланган.

И.А.ни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш (экстрадиция) юзасидан 1993 йил 22 январдаги "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенция талабларига асосан юборилган сўровга берилган Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг 2019 йил 6 февралдаги розилик хатида, И.А.ни ЖКнинг 168-модда-

си иккинчи қисми "б" банди билан жиноий жавобгарликка тортишга рухсат берилганлиги, бироқ жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2012 йил 2 февралдаги ҳукмини ижрога қаратишга рухсат берилмагани суднинг эътиборидан четда қолиб, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2012 йил 2 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўтал-

маган муддатини ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида қўшиб, хатога йўл қўйган.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 24 августдаги ажрими билан суд қарорларининг И.А.га ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилинган.

1-1206-1901/31-сонли иш

5. Даствлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида шахснинг гиёҳвандлик воситасининг келиб чиқиш манбаи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига контрабанда қилиш йўли билан олиб кирилганлигини билганлигини тасдиқловчи далил аниқланмаганлиги сабабли суд қарорлари қисман бекор қилиниб, шахс айбсиз деб топилди.

Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2018 йил 23 ноябрдаги ҳукмига кўра, У.Я.га ЖКнинг 28, 223-моддаси иккинчи қисми "б", "в" бандлари, 28, 246-моддаси иккинчи қисми, 273-моддаси бешинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 14 майдаги ажрими билан суд ҳукмининг У.Я.га оид қисми ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, У.Я. жиноий шериги Д.А.нинг Олмалик шаҳридаги уйига бориб, унга истеъмол қилиш ҳамда ўтказиш мақсадини кўзлаб, 289,11 грамм "героин" моддасига буюртма бериб, ушбу модданинг ҳар бир граммини 100 АҚШ долларидан сотиб олишини маълум қилган.

2018 йилнинг май ойларида У.Я.нинг берган буюртмасига асосан Д.А. фарзандлари Х.А. ва С.А. билан ўзаро тил бириктириб, "героин" гиёҳвандлик воситасини чет давлатдан Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятига контрабанда йўли билан олиб келиш ва ушбу моддани буюртмачига қонунга хилоф равишда сотиб, бойлик орттириш режасини тузишган. Режага асосан Д.А. жиноий гуруҳнинг ташкилотчиси сифатида "героин" гиёҳвандлик воситасини сотадиган шахсни чет давлат ҳудудидан қидириб топиш, Тошкент вилоятига олиб келиш ва ўтказиш механизмини ишлаб чиқиб, ушбу ғаразли ниятини рўёбга чиқариш мақсадида ўғли Х.А. орқали жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни жиноий гуруҳга қўшиб, уларнинг ҳар

бирига содир этиши лозим бўлган жиноий ҳаракатини тушунтириб, вазифаларни ўзаро тақсимлаб берган. Д.А. ўзининг жиноий гуруҳини ташкил қилишда ўғли Х.А.га далолатчи сифатида пул эвазига жиноятни бажарадиган шахсларни қидириб топиш вазифасини, жиноят ишининг уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар, кенжа ўғли С.А. ва таниши Т.У.га бажарувчи сифатида гиёҳвандлик воситасини чет эл давлатидан контрабанда қилиш ва белгиланган жойга олиб келиш вазифасини топширган. Қисқаси, жиноий гуруҳ чет элдан "героин" гиёҳвандлик воситасини айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилиш йўли билан олиб кириб, У.Я.га бир қисмини сотган вақтида ашёвий далил билан ушланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, У.Я.ни ЖКнинг 276-моддаси иккинчи қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлсада, унинг ҳаракатини ЖКнинг 28, 246-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, Ж.А. чет элдан "героин" гиёҳвандлик воситасини айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилиш йўли билан олиб кириб, У.Я.га бир қисмини сотган вақтида жиноят устида қўлга олинган.

Судланган У.Я. дастлабки тергов ва судда ҳақиқатан ҳам, 2018 йилнинг январь ойидан то қамалгунига қадар Ж.А.дан ўзи истеъмол қилиши учун "героин" гиёҳвандлик

воситасини топиб беришни илтимос қилиб келгани, Ж.А. ҳар сафар "героин" моддасини Олмалик шаҳрида яшовчи танишидан олиб беришини, бироқ ҳозирда таниши водийга дам олишга кетганлигини, келиши билан топиб беришни айтиб келганлигини, "героин" сотадиган шахс кимлигини, қаерда туришини айтмаганлигини, Ж.А.га кўп миқдорда "героин" моддасини топиб беришни сўрамагани, фақат ўзининг истеъмоли учун топиб беришни илтимос қилганлигини, бир сафар Ж.А. Тошкент вилоятидаги танишларидан "героин" моддасини топиб беришини, топилмаса, чет элда танишлари борлиги, аммо фуқаролик паспорти йўқлиги боис, ўзи четга давлатга ўта олмаслигини, имкони бўлса, ўзининг чет элдаги танишларидан керакли миқдорда "героин" моддасини сотиб олиши мумкинлигини айтганида, унга "Бундай йўллар билан бўлса, менга умуман "героин" моддаси керак эмас", деб айтганлиги ҳақида;

шунингдек, судланган Ж.А. ҳам ўзининг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмаларида, ҳақиқатан ҳам, У.Я. 2018 йилнинг бошидан то қамалгунга қадар "героин" моддасини топиб беришни илтимос қилиб келганлигини, бироқ уни тинчлантириш учун ёлғондан "Олмалик шаҳрида яшовчи бир танишим бор, ушбу танишим ҳозир" водийга дам олишга кетган, келиши билан ундан керакли миқдорда "героин" моддасини олиб бераман" деб айтганлигини, аслида Олмалик шаҳрида "героин" моддасини сотадиган таниши йўқлигини, бундан ташқари У.Я.га "героин" моддасини чет элдан олиб келиши кераклиги, аммо фуқаролик паспорти йўқлиги сабабли чегара постидан ўта олмаслигини, агар имкони бўлса, ўзи бориб чет элдаги танишларидан олиб келиши мумкинлиги ҳақида айтганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Дастлабки тергов даврида, шунингдек, суд муҳокамаси давомида ҳам У.Я.ни гиёҳвандлик воситасининг келиб чиқиш ман-

баи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида контрабанда қилиш йўли билан олиб кирилганлигини билганлигини тасдиқловчи бирон-бир далил аниқланмаган.

Жиноят иши материалларида У.Я.нинг бошқа шахслар томонидан кўп миқдордаги "опий" гиёҳвандлик воситасининг контрабанда қилинишида ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида иштирок этганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас. Шунингдек, мазкур жиноятнинг содир этилган вақти, жойи ҳамда усули исботланмаган бир вазиятда, биринчи инстанция суди У.Я.ни ЖКнинг 28, 246-моддаси иккинчи қисми билан айбли деб топиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди ҳам иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширмасдан биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмаган ва суд ҳукмини қисман ўзгартириб, барвақт хулосага келган.

ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 25 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукмининг У.Я.ни ЖКнинг 28, 246-моддаси иккинчи қисми билан айбли деб топиш ва жазо тайинлаш ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, жиноят ишининг шу қисмини унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги ҳамда содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 2 ва 3-бандларига асосан тугатилган, ЖКнинг 276-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилган.

03-1760-19-сонли иш

6. Илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланади.

Жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг 2020 йил 6 мартдаги ҳукмига кўра, А.О. ЖКнинг 109-моддаси иккинчи

қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони умумий тар-

тибли колонияларда ўташ белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 26 майдаги ажрими билан суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.О. Учқўрғон туман маъмурий суди қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан 2019 йил 6 ноябрь куни Учқўрғон туман ТТБга қарашли "Ҳамза тез ёрдам" маъмурий биносидан турмуш ўртоғи М.М.ни уриб тан жароҳати етказётганида уларни тинчлантириш учун келган қайнонаси Р.Э.ни ҳам урган. Бунинг оқибатида М.М.га соғлигининг бузилишига сабабчи бўлмаган энгил, Р.Э.га соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган энгил тан жароҳат етказганликда айбланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, А.О.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келиб, унга қонун доирасида қилмишига мутаносиб равишда жазо тайинлаган бўлса-да, бироқ унга тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилаб, хатоликка йўл қўйган.

ЖКнинг 50-моддаси еттинчи қисми "в" бандида илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилаш лозимлиги ҳақида тушун-

тириш берилган.

Шунингдек, Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги "Судла томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"-ги 11-сонли қарори 24-бандида назорат инстанцияси суди ҳукм, ажрим, қарорнинг маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга асослар мавжуд бўлганда уни ўзгартиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Иш ҳолатларидан аниқланишича, А.О. муқаддам жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг 2016 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми "а" банди билан 5 йил 6 ой, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида узилкесил 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2018 йил 19 июлдаги ажрими билан унга нисбатан ЖКнинг 74-моддаси қўлланилиб, ўталмай қолган 3 йил 11 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилгунга қадар озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўтаб келган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 3 сентябрдаги ажрими билан А.О.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

1-1609-2001/26-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 29 октябрь

№ РС-49-20

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида 4795 та шикоят ва протестлар келиб тушган ва шундан 4408 таси ўрганиб чиқилган.

Ўрганилган шикоятларнинг 1621 таси қайтарилган, 2352 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 435 таси назорат инстанциясига ўтказилган, 11 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган. Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 435 та иш судлов ҳайъ-

атида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 13 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлламаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини қўлламаганлиги;

суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Назорат инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолият аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эр-

кинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳамоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустақамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйи-

ча судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида қўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва

уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзори вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзори барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2020 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2020 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида 4795 та шикоят ва протестлар келиб тушган, шундан 4408 таси ўрганиб чиқилган.

Ўрганилган шикоятларнинг 1621 таси қайтарилган, 2352 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 435 таси назорат инстанциясига ўтказилган, 11 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган. Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 435 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Статистик таҳлиллар орқали Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган 435

та ишнинг:

190 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

13 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

68 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 33 та иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига, 35 та иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

36 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

84 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

9 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, шикоят кўрмасдан қолдирилган;

34 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 70 тасини Тошкент шаҳар, 54 тасини Тошкент вилояти, 40 тасини Фарғона вилояти, 35 тасини Хоразм вилояти, 34 тасини Самарқанд вилояти, 32 тасини Қашқадарё вилояти, 30 тасини Сурхондарё вилояти, 28 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 24 тадан Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, 19 тадан Андижон ва Бухоро вилоятлари, 18 тасини Навоий вилояти, 8 тасини Наманган вилояти судларида кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган ишларнинг бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги вилоятлар кесимида қуйидагича кўринишни ташкил этган, яъни:

Сирдарё вилояти судларининг 70,8 фоиз (24 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 13 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри судларининг 67,1 фоиз (70 та иш кўрилган, шундан 9 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 38 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 62,5 фоиз (32 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 18 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судларининг 62,5 фоиз (8 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 4 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти судларининг 61,8 фоиз (34 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти судларининг 59,3 фоиз (54 та иш кўрилган, шундан 8 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 57,8 фоиз (19 та иш кўрилган, шундан 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 56,7 фоиз (30 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судларининг 55 фоиз (40 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти судларининг 50 фоиз (24 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 46,4 фоиз (28 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 44,4 фоиз (18 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 7 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 42,9 фоиз (35 та иш кўрилган, шундан 15 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 26,3 фоизни (19 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 2 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган) ташкил этган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 13 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини

қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларда узоқ муддат давомида бирга яшамаган ва бир неча маротаба суд томонидан даъво рад қилиниб, биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантирган ҳолда апелляция инстанцияси даъвони рад қилган ҳолати мавжуд (Сурхондарё вилоят суди).

Ваҳоланки, Олий суд Пленуминг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарори 14-бандига кўра, никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шартлиги ҳақида судларга тушунтириш берилган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 11-сонли қарори 13-бандида судларга тақдим қилинган далиллардаги қарама-қаршиликни аниқлаш ва уни бартараф этиш чорасини кўриш ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ барча судлар томонидан ер участкасини тасарруф этиш ва қурилишларни буздириш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, фақатгина тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланган ҳолда, далиллардаги қарама-қаршиликни бартараф этиш учун тегишли экспертиза тайинлаш ҳамда мутахассисларни жалб этиш чораси кўрилмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 17-сонли қарори 10-бандига кўра, ФКнинг 122-123-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича битимларнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогарга юклатилган бўлса-да, битимларни ушбу асослар билан ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъ-

воларнинг қонуний ечими юзасидан бир суднинг ўзида турли хил амалиёт мавжуд (Тошкент шаҳар суди).

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги 16-сонли қарори 22-бандида қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтнинг ўзида қарз суммасидан давлат фойдасига солиқ ушлаб қолиши лозим бўлса-да, деярли барча судлар амалиётида даъво қаноатлантирилган ҳолда солиқ ушлаб қолинмаган (Жиззах, Сурхондарё вилоят судлари бундан мустасно).

Судлов ҳайъати томонидан:

"Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2019 йил давомида мулк ҳуқуқи билан боғлиқ (Фуқаролик кодексининг 187-моддаси) фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти";

"Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан 2019 йил давомида қарз ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти";

"2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи ярмида ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга компенсация бериш тартиби билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриш бўйича суд амалиёти" умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарор-

лари қабул қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан жорий йилнинг январь-март ҳамда апрель-июнь ойларида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари Олий суд Раёсатида муҳокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати томонидан "Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти" амалий қўлланмаси ишлаб чиқилиб, нашр қилишни йўлга қўйиш тўғрисида Олий суд Раёсати томонидан қарор қабул қилинган.

Олий суднинг 2020 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасига асосан, судлов ҳайъати томонидан жорий йилнинг ноябрь ойида реабилитация билан боғлиқ ишга тиклаш, иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини умумлаштириш ва Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш режалаштирилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция (кассация) инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Суд жиноят ишидан келиб чиқувчи даъвони кўришда жавобгарнинг айбдорлиги масаласини муҳокама қилишга ҳақли эмас, балки фақат фуқаровий низони ҳал қилиши мумкин.

Даъвогар шаҳар прокурори фуқаро И. манфаатида фуқаро Г., МИБ шаҳар бўлими, вилоят молия бошқармаси ва шаҳар молия бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Л.нинг фойдасига ортиқча ундирилган 30.826.000 сўм ҳамда 23 турдаги мол-мулкларнинг бозор баҳосини ундириб беришни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 9 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилиб, фуқаро Л. фойдасига шаҳар молия бўлими орқали давлат бюджети ҳисобидан 23 турдаги мол-мулкларнинг бозор баҳоси учун 47.200.000 сўм, И. фойдасига жавобгар Г.дан 30.826.000 сўм ундириш, жавобгар Г.дан 1.233.040 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 28 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво ни рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, шаҳар прокуратураси терговчисининг 2019 йил 17 октябрдаги қарори билан туманлараро судининг 2011 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарорини ижро этилиши билан боғлиқ жараёнда собиқ суд ижрочиси Ж.нинг хатти-ҳаракатларида Жиноят кодексининг 207-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби бўлса-да, у вафот этганлиги сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан, айблилик масаласи ҳал этилмасдан жиноят ишини кўзгатиш рад қилинган.

Судлар тергов органи қарори асосида

даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 11-сонли қарори 4-бандига биноан, суд жиноят ишидан келиб чиқувчи даъвони кўришда жавобгарнинг айбдорлиги масаласини муҳокама қилишга ҳақли эмас, балки фақат фуқаровий низони ҳал қилиши мумкин.

Аниқланишича, туманлараро судининг 2011 йил 26 октябрда сиртдан қабул қилган ҳал қилув қарори билан жавобгар Ф.дан фуқаро Г.нинг фойдасига 15.367.580 сўм зарар, жавобгар Ф.дан давлат фойдасига 3.073.516 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Ижро ҳаракатлари давомида суд қарори ихтиёрий бажарилмаганлиги боис собиқ суд ижрочиси Ж. 2012 йил 16 ва 30 апрелда қарздор Ф. иштирокида унинг уйдаги 23 турдаги мол-мулкларни хатлаган.

Мазкур мол-мулклар суд ижрочиси Ж.нинг 2012 йил 13 июндаги қарори билан МЧЖ маркетинги С. томонидан Жиноят кодексининг 238-240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган ҳолда 2012 йил 20 июнда 4.800.000 сўмга баҳоланган.

Ўз навбатида, И. даъво талаби ва судлардаги важларида ушбу мулклар ўзига тегишли эканлиги ва улар паст нархларда баҳоланганлигини важ қилса-да, низодаги мулкларни рўйхатдан чиқариш ҳақида суд қарори қабул қилинмаган ёки И. ёхуд бошқа манфаатдор тараф мол-мулкларни рўйхатдан чиқариш ҳақида судга даъво талаби билан мурожаат қилмаган, шунингдек, мулкларни баҳолаган С. нотўғри хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаган.

2012 йил 20 июлдаги далолатнома билан хатланган 23 турдаги мол-мулклар сотувга чиқариш учун суд ижрочиси Ж. томонидан МЧЖ савдо дўкони мудираси Р.га топширилган.

Тергов органи қарорида баён этилишича ва иш ҳужжатларида мавжуд бўлган 2012 йил 30 июлдаги далолатномадан кўринишича, сотувга чиқарилган мол-мулкларнинг 13 турдаги 2.980.000 сўмлиги сотилиб, қолган 1.820.000 сўмлик буюмлар эса, савдо дўконидан эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Мулкларни сотилишидан тушган маблағини 238.400 сўми савдо чегирмаси учун

ушлаб қолиниб, қолган 2.741.600 сўмнинг 2.427.000 сўми суд қароридан белгиланган давлат божи тўлови, 314.600 сўми эса, суд ижрочиси томонидан қарздор Ф.га қўлланилган жарима учун тўлов сифатида йўналтирилган.

Ижро жараёнида ундириш белгиланган давлат божининг қолган 646.516 сўмини қарздор Ф. 2012 йил 12 октябрда 1-сонли тўлов паттаси орқали тўлаб берган ва шу билан ундирувни давлат божининг узил-кесил ижроси таъминланган.

Шу билан бирга тергов органи қароридан баён этилишича, сотилмасдан қолган 1.820.000 сўмлик буюмларни савдо дўкони мудираси Р. моддий жавобгар шахс бўлган ҳолда талон-тарож қилган ва бу билан у Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса-да, аммо муддат ўтиб кетганлиги боис Р.га маъмурий чора қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилган.

Бундан кўринадики, сотилмасдан қолинган 1.820.000 сўмлик буюмлар Р. томонидан ўзлаштирилганлиги сабабли, манфаатдор тараф Р.га нисбатан фуқаролик тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга.

Судлар ушбу мулклар И.га қайтарилиши лозимлиги ҳақида тўхтама келишда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 57-бандига асосланган бўлса-да, 23 турдаги мол-мулкнинг бир қисми сотилганлиги ва улар давлат даромадига (давлат божи ва жарима кўринишида) ўтказилганлиги, бунга асос бўлган суд қарори ва ижро ҳужжати бекор бўлмаганлиги, даъво талабида келтириб ўтилган мулклар қийматини ундириш учун қайд этилган Низом талабида келтириб ўтилган ҳуқуқий асосларнинг ҳеч бири мавжуд бўлмаса-да, ушбу Низом талабини кенгайтирилган ҳолда талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

Шу билан бирга суд қарори ижроси юзасидан юритилган ҳужжатларда мавжуд бўлган 2012 йил 30 июлдаги ундирувчи Г. номидан ёзилган тилхатдан кўринишича, суд қарорини ижро этиш жараёнида қарздор Ф. ундирувчи Г.га 15.367.580 сўм зарарни тўлаб берган.

Бундан ташқари даъво талабида сўралган ва бунинг учун далил сифатида тақдим этилган 2012 йил 9 июлдаги Г.нинг номи-

дан ёзилган тилхат бўйича туманлараро судининг 2011 йил 26 октябрдаги қарори асосида Ф.нинг қарзи учун И.дан ҳам қайтадан ундирув бўлганлиги ҳақида хулосага келган.

Бироқ судлар тилхат фуқаролик ишлари бўйича суд қарори ижросига алоқаси бор ёки йўқлигига ишдаги мавжуд далиллар асосида ҳуқуқий баҳо бермаган. Жумладан, ижро жараёнида вилоят прокуратурасида юритилган жиноят ишида фуқаро И. айбланувчи, Г. эса, жабрланувчи сифатида эътироф этилиб, 2012 йил 19 июлда терговчи томонидан тузилган етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги баённома билан фуқаро И. фуқаро Г.га 30.826.000 сўмни зарар сифатида қоплаган ва баённомага процессуал ҳаракат тасвирланган фотосурат ҳам илова қилинган.

Кейинчалик ушбу жиноят иши юзасидан фуқаро И. жиноят ишлари бўйича туман судининг 2012 йил 12 сентябрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топил-

либ, жазо тайинланган.

Ушбу суд ҳукмидан кўринишича, фуқаро И. марҳум акасининг турмуш ўртоғи Г.га тегишли "Нексия" русумли автомобилани ўзбошимчалик билан эгаллаб, 2008 йил июль ойида терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсга 10 миллион сўмга сотиб юбориб, фуқаро Г.га зарар етказган.

Демак, даъво талабида баён этилган 30.826.000 сўм жиноят иши доирасида зарарни қоплаш учун тўлов сифатида тўланган бўлиб, ушбу сумма мазкур фуқаролик ишига дахлдор ҳисобланмайди ва даъво талабини қаноатлантиришни истисно этади.

Судлар тақдим қилинган далиллардаги қарама-қаршилиқни аниқлаш ва уни бар-тараф этиш чорасини кўрмасдан, ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатга Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 985, 991-моддаларини нотўғри талқин этиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

6-895-20-сонли иш

2. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса, етарлилик нуқтаи назаридан баҳола-ниши лозим.

Даъвогар М. жавобгар Э.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожат қилиб, уй-жойдаги ўзи ва фарзандлари Д. ва Н.га тегишли қисмини натура тарзда бўлиб беришни сўраган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 19 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, низоли уй-жой натура тарзида бўлиниб, унинг 4/6 қисми даъвогар М. ва манфаатдор шахслар Д., Н. ва Н.га, 2/6 қисми эса, жавобгар Э. ва Д.га ажратилган ва ўртадаги фарқ компенсация қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, туманлараро судининг 2019 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан умумий майдони 75,6 м² 0001-литер ойнабанд, 0002-литер даҳлиз, 0003-литер яшаш хонаси ва 0004-литер яшаш хоналаридан иборат низоли уй-жойга фуқаро Э., М., Н., Н., Д. ва Д.лар хусусий-

лаштириш иштирокчилари деб топилган ва ҳар бирининг улуши 1/6 қисмдан белгиланган ҳамда мазкур ҳал қилув қарори давлат рўйхатидан ўтказилган.

Биринчи инстанция суди томонидан тайинланган суд қурилиш-техник экспертизасининг 2019 йил 27 сентябрдаги хулосасида уй-жойни натурада олти қисмга бўлиш ва тақсимлашнинг техник имконияти мавжуд эмаслиги, бироқ томонларнинг улушидан чекинган ҳолда 2/6 ва 4/6 улушларга мутаносиб икки қисмга бўлиш имконияти мавжудлиги қайд этилган.

Судлар ФКнинг 223-моддасига асосланиб, экспертиза хулосасида кўрсатилган вариант бўйича низоли уй-жойнинг 4/6 қисмини даъвогар М. ва тарафларнинг фарзандлари Д., Н. ва Н.ларга, 2/6 қисмини ҳожатхона, ҳаммом ва ошхона қуриш шарти билан жавобгар Э. ва тарафларнинг фарзанди Д.га ажратиш тўғрисидаги хулосага келган.

Экспертиза хулосасини далилларнинг мажмуи сифатида қабул қилишга бирон-бир асос йўқ, чунки экспертиза хулосасида берилган бўлиш вариантыда алоҳида яшаш хонасидан ташқари ёрдамчи хоналар, алоҳида кириш-чиқиш йўллари, улар-

ни жиҳозлаш йўли билан бўлишга имконият мавжуд эмас, ушбу вариант уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари даъвогар М. низоли уй-жойдаги ўзи ва фарзандлари Д., Н. га тегишли 3/6 қисм улушларини ажратиш ҳақида талаб қўйган бўлса-да, Д. ва Н.лар даъвогар сифатида ишга киришмаган, улар бундай даъво билан мурожаат қилмаган, ўз улушларини онаси М.нинг фойдасига нотариал тартибда воз кечганлиги эса, қабул қилинмайди, чунки амалдаги қонун ҳуж-

жатларига кўра, мулк ҳуқуқини тасарруф қилиш фақатгина ҳадя, олди-сотди, айирбошлаш каби шартномалар орқали амалга оширилади.

Бироқ судлар уй-жойнинг қонуний қисми айнан қайси ифодаларда белгиланганлигини аниқламаган бўлса-да, қонунийлаштирилмаган ҳамда кадастр ҳужжатларида умуман кўрсатилмаган қурилмаларни ҳам қўшиб тарафлар ўртасида бўлиб бериш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-858-20-сонли иш

3. Иш кўриляётганда тилга доир қоидалар бузилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилинади.

Даъвогар Р. жавобгар З.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 14 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 27 ноябрда сиртдан қабул қилган ҳал қилув қарорига кўра даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар Р. фойдасига жавобгар З.дан 15.800.000 сўм моддий зарар, 1.000.000 сўм маънавий зарар, суд харажатлари учун 870.610 сўм ундириш белгиланган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 24 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрим бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун ушбу инстанцияга юборилган.

Аниқланишича, жавобгар З. шикоятдаги важларида судлар автомашиналарга етказилган зарарни "Аббос" хусусий корхонаси томонидан берилган маълумотнома асосида белгилаганлиги, лекин хусусий

корхонанинг зарарни баҳолаш бўйича ваколати йўқлиги, бунинг учун ваколатли экспертиза муассасаси зарарни аниқлаши лозимлигини баён этган.

Бироқ апелляция инстанцияси шикоятдаги мазкур важларни муҳокама қилмаган ва иш юзасидан тегишли экспертиза тайинлаш орқали зарарни узил-кесил аниқлаш чорасини кўрмаган.

Бундан ташқари иш бўйича тарафлар ўзбек миллатига мансуб бўлсалар-да, ўтказилган суд муҳокамаси ва тузилган ҳал қилув қарори рус тилида бўлган, бу каби процессуал қонун талаби бузилганлиги ҳақидаги важлар апелляция инстанцияси томонидан эътиборсиз қолдирилган ва иш ушбу инстанцияда ҳам таржимон иштироки таъминланмаган ҳолда рус тилида олиб борилиб, суд ҳужжати ҳам рус тилида чиқарилган.

Судлар тегишли экспертиза тайинламасдан ҳамда иш юритишнинг тилга доир қоида-сига эътибор бермасдан, процессуал ҳуқуқ нормасини бузилишига йўл қўйган.

6-740-20-сонли иш

4. Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсдан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси АТ "Асака банк"нинг вилоят филиали манфаатида жавобгарлар МЧЖ ва фуқаро Я.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, асосий қарз ва фоиз қарздорлигини ундириш, ундирувни гаров мулкига қаратишни сўраган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 16 январдаги ажрими билан ўзга-

ришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 5 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилиб, 2018 йил 10 августда тузилган кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниб, банк фойдасига МЧЖдан жами кредит қарзи учун 2.036.057.107,98 сўм, МЧЖдан давлат фойдасига 81.442.284 сўм давлат божи ундириш, ундирув МЧЖга тегишли бўлган молхона, иссиқхона биналарига ҳамда фуқаро Я.га тегишли бўлган марказий дорихона биносига

қаратилган ва ушбу мулкларни бошланғич баҳоси белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 26 майдаги ажрими билан суд қарорларини кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, асосий қарз ва фоиз қарздорлигини ундириш, ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво талабларига оид қисми бекор қилиниб, даъвони ушбу қисмини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, АТ "Асака банк"нинг вилоят филиали ҳамда жавобгар МЧЖ ўртасида 2018 йил 10 августда тузилган кредит шартномасига асосан молхона, иссиқхона биносини сотиб олиш учун йиллик 20 фоиз ҳақ тўлаш эвазига 3 йил муддатда қайтариш шарти билан МЧЖга икки миллиард сўм кредит ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида сотиб олинган ётган молхона, иссиқхона биноси ҳамда фуқаро Я.га тегишли бўлган марказий дорихо-

на биноси гаровга қўйилган.

Банк томонидан судга тақдим этилган 2019 йил 5 сентябрдаги маълумотномага кўра, МЧЖнинг муддати ўтган асосий қарзи 249.334.245,42 сўм, кредит фоизи 137.185.554,14 сўм, муддати ўтган фоиз 13.173.672,42 сўм ва кредитдан қолдиқ асосий қарз 1.636.363.636 сўмни ташкил этган.

Судлар муддати ўтган қарздорликни ундириш ҳақидаги талабни қаноатлантириш юзасидан тўғри тўхтамга келиш билан бирга шартномани бекор қилиш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақида хулосага келишда жавобгарнинг муддати ўтган кредит ва унинг фоизи бўйича қарздорлигини миқдори шартнома шартларини жиддий равишда бузиш деб топиш учун ФКнинг 382-моддаси талабига кўра, етарли асос ҳисобланмаслигини, шунингдек, қарздорлик суммаси ундирув қаратилган мол-мулкларнинг қийматиغا мос эмаслигига эътибор қаратмаган.

6-679-20-сонли иш

5. Мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Даъвогар С. жавобгар "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиалига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиали зиммасига асосий шартнома тузиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 28 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиали зиммасига даъвогар С. билан 2019 йил 25 мартда тузилган дастлабки шартноманинг 1.1-банди талабларига асосан намунавий лойиҳа бўйича қуриладиган якка тартибдаги уй-жойни тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш учун буюртмачи функциясини амалга оширишга асосий шартнома тузиш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанциясининг 2020 йил 16 январдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 13 майдаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаро С. ва "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиали ўртасида 2019 йил 25 мартда арзон уй-жойлар қуришга буюртмачи функциясини амал-

га ошириш тўғрисида дастлабки шартнома тузилган.

Шартноманинг 1.1-бандида "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиали намунавий лойиҳа бўйича қуриладиган 0,02 га 3 хонали уйни тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш учун буюртмачи функциясини амалга ошириш тўғрисида Асосий шартномани тузиш мажбуриятини олган.

Ушбу шартноманинг 2.1.2-бандида якка тартибдаги қурувчига топшириладиган уй-жой қийматининг бошланғич нархи 221.000.000 сўмни, ушбу сумманинг 10 фоизи 22.100.000 сўмни ташкил этиши қайд этилганлиги боис, даъвогар С. томонидан дастлаб 2019 йил 25 март куни 9.700.000 сўм, 26 март куни 1.680.000 сўм ва 2.740.000 сўм, 28 март куни 7.000.000 сўм ҳамда 30 март куни 980.000 сўм, жами 22.100.000 сўм миқдоридagi тўловлар банк орқали амалга оширилган.

Биринчи инстанция суди ФКнинг 234-моддаси талабига асосланиб даъвогар С. дастлабки шартнома асосида зиммасидаги мажбуриятларни бажарган бўлса-да, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг вилоят филиали эса, мажбуриятини бажармаганлигини эътиборга олиб даъвони қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли тўхтамга келган бўлса-да, кассация инстанцияси ФКнинг 145, 148-моддаларини нотўғри талқин қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-535-20-сонли иш

6. Суд ҳужжати бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига фақат ундирилган нарсаларгина (ва қиймат) қайтариб берилиши лозим.

Фуқаро О. судга ариза билан мурожаат қилиб, унда туманлараро судининг 2016 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси юзасидан 20.292.168 сўм ундиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 27 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 12 июндаги ажримига кўра О.нинг аризаси қаноатлантирилиб, унинг фойдасига АТИБ "Ипотека банк"нинг шаҳар филиалидан 20.292.168 сўм ундирилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 августдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилган.

Аниқланишича, туманлараро судининг 2016 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарори билан шаҳар прокурорининг фуқаро А. манфаатида жавобгарлар О. ва бошқаларга нисбатан даъво талаблари қаноатлантирилиб, 2013 йил 10 майда нотариал расмийлаштирилган Т. ва О. ўртасидаги уй-жой олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган. АТИБ "Ипотека банк"нинг шаҳар филиали фойдасига Т. ва О.лардан солидар тартибда 51.000.000 сўм ундириш белгиланган.

7. ФКнинг 122, 123-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича битимни ҳақиқий эмас, деб топиш асосларини исботлаш мажбурияти даъвогарга юклатилади.

Даъвогар Д. жавобгарлар М. ва нотариал идорага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 18 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 16 августдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилиб, 2017 йил 19 январда Д. ва М. ўртасида нотариал расмийлаштирилган уй-жой олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 1 июлдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Д. 2013 йил 18 ноябрдаги ҳады шартномасига асосан ўзига тегишли бўлган низоли уй-жойни 2017 йил 19 январда нотариал тасдиқланган олди-

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 29 августдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгартирилиб, АТИБ "Ипотека банк"нинг шаҳар филиали фойдасига жавобгар Т.дан 51.000.000 сўм ундириш белгиланган.

Бунга қадар эса, туманлараро судининг 2016 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарори қисман ижро қилиниб, О. дан банк фойдасига 20.292.168 сўм ундирилган.

Судлар аризани қаноатлантиришда АТИБ "Ипотека банк" шаҳар филиалининг 2018 йил 24 сентябрдаги фуқаро О. томонидан 20.292.168 сўм тўлаганлиги ҳақидаги маълумотномасига асосланган.

Бироқ судлов ҳайъатига банк томонидан тақдим этилган маълумотномадан кўринишича, ижро варақасига асосан фуқаро О.дан жами 4.301.868 сўм ундирилган ва бу факт судда бошқа мақбул далиллар билан ҳам тасдиқланган.

Судлар аризани қаноатлантиришда 20.292.168 сўм умумий миқдор эканлиги, бунда суд қарори ижроси билан бирга кредит бўйича график қарздорлиги ҳам мавжудлигига баҳо бермаган.

6-477-20-сонли иш

сотди шартномасига асосан М.га сотган.

Туманлараро судининг 2017 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар М.нинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгарлар О. оила аъзолари билан низоли уйдан кўчириш белгиланган ва суд қарори 2018 йил 29 сентябрда ижро қилинган.

Даъвогарнинг турмуш ўртоғи А.нинг мурожаати юзасидан ИИБнинг 2019 йил 26 мартдаги қарори билан Х., М. ва бошқаларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 28, 168-моддаси тўртинчи қисми "а" бандида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли уларга нисбатан жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган ва шартнома билан боғлиқ низо юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилган.

Олди-сотди шартномасининг 4-бандида тарафлар ўртасида гаров ва қарз муносабатлари йўқлиги, асл мақсад олди-сотди шартномасини расмийлаштириш эканлиги,

10-бандида нотариус битимларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги ФКнинг 113-124-моддалари талабларини тушунтирганлиги қайд этилган.

Фуқаро Х.нинг уй учун олинган пулни сотувчи Д.га берган-бермаганлиги ҳолати шартномадан ташқари ҳолат бўлиб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўла олмайди.

Чунки шартнома тарафлари ўртасида бир-бирини алдаш ёки бошқа қонунга зид ҳаракатлар содир этилмаган, уларнинг хати-ҳаракатлари олди-сотди шартномаси

мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келади.

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасидаги реабилитация асослари шахсни айбсизлигини тасдиқласа-да, судлар тергов органининг ушбу қарорини Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"-ги 11-сонли қарори 4-банди асосида нотўғри қўллаб, хатоликка йўл қўйган.

6-612-20-сонли иш

8. Хотин ҳомиладорлик даврида ва бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида алимент олиши учун унинг ёрдамга муҳтож эканлиги талаб этилмайди.

Даъвогар Қ. жавобгар Н. га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2017 йил 28 октябрда туғилган фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ўзининг фойдасига қатъий суммада ундирилаётган алимент тўловидан озод қилишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 12 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра Қ.нинг даъвоси қаноатлантирилиб, даъвогар Қ. туманлараро судининг 2017 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан Н. фойдасига 2017 йил 28 октябрда туғилган фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар жавобгарнинг моддий таъминоти учун ундирилаётган алимент тўловидан озод қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 сентябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, тарафлар Қ. ва Н. 2016 йил 3 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришган. 2017 йил 28 октябрда фарзандли бўлишган.

Туманлараро судининг 2017 йил 20 де-

кабрдаги ҳал қилув қарори билан Н.нинг фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзанди таъминоти учун қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ва фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар ўзининг моддий таъминоти учун жавобгар Қ.дан энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида қатъий суммада алимент ундириш белгиланган.

Даъвогар Қ. суднинг ҳал қилув қарорига асосан жавобгарнинг таъминоти учун қатъий суммада алимент тўлаб келаётганлиги, ота-онаси нафақада эканлиги, моддий аҳволи оғирлиги, жавобгар Н. эса, ҳозирда ҳамшира вазифасида ишлаётганлигини важ қилган ва судлар ушбу важлар асосида даъвони қаноатлантирган.

Бироқ судлар Оила кодексининг 117-моддасида белгиланган қоида бўйича алимент талаб қилувчи хотин ҳомиладорлик даврида ва бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида алимент олиши назарда тутилганлиги, бунинг учун эса, хотиннинг ёрдамга муҳтож эканлиги талаб этилмаслигини инobatга олмасдан, ушбу муносабатга Оила кодексининг 146-моддасини нотўғри талқин қилиб, хатоликка йўл қўйган.

6-835-20-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 29 октябрь

№ РС-50-20

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлилларга кўра, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида 2731 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 444 таси қайтарилган, 130 тасини қабул қилиш рад этилган, 820 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 406 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 109 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 360 таси бўйича Олий суд расининг ўринбосарлари томонидан рад жавоби берилган, 12 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 450 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 329 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан

келиб чиққан низолар, 121 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича 2 та тақдимнома, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 3 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

аризадаги талабларни тўлиқ муҳокама қилмаслик;

айрим аризаларда мансабдор шахснинг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ёки маъмурий органнинг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида талаб бўлмасдан, балки ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида қўлланиладиган "мажбурият юклаш" ҳақидаги талаб қўйилган бўлса-да, уларни муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилиш;

ишларни кўришда судга мурожаат қилиш муддати ўтган бўлса-да, муддат ўтганлиги сабаблари текширилмасдан, ишни кўриб чиқиш ва арз қилинган талабни қаноатлантириш;

маъмурий органнинг низолашилаётган қарори судга мурожаат қилган аризачининг ҳуқуқлари ва манфаатларига қай даражада таъсир қилаётганлиги тегишли тартибда ўрганилмасдан, арз қилинган талабни қаноатлантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда етказилган моддий зарар миқдори бўйича ҳуқуқбузар ва жабрланув-

чи ўртасида келишмовчилик мавжуд бўлса-да, манфаатдор шахсларга ушбу масалани фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқи тушунтирилмасдан, маъмурий судлар томонидан айбдор шахсдан моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этиш;

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"-ги қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёнгики Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокими терговчининг тақдимномаси ва қарорига асосланиб ўзининг қарорини бекор қилиш;

Ер кодексининг 31-моддасида ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асослари белгиланган бўлса-да, қуйи судлар низоли ер участкасига бўлган ҳуқуққа эга бўлмаган шахснинг ушбу ер участкаси бўйича чиқарилган туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабини иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан

асоссиз равишда қаноатлантириш.

Назорат инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир маъмурий суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (А.Муродов) ҳамда вилоятлар ва уларга

тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2020 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2020 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклатилсин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати зиммасига юклатилсин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг тўққиз ойи давомида 2731 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 444 таси қайтарилган, 130 тасини қабул қилиш рад этилган, 820 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 406 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 109 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 360 таси бўйича Олий суд раисининг ўринбосарлари томонидан рад жавоби берилган, 12 та иш назорат тартибида киритилган протестларга асосан Олий суд Раёсатида кўрилган.

Шунингдек, назорат тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича 450 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 329 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар, 121 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар

ташқил этган.

Статистик таҳлиллар орқали Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 2-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 7-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъати томонидан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 329 та ишнинг:

127 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

51 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган;

25 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 21 та иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига, 4 та иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган;

7 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

77 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

14 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, шикоят кўрмасдан қолдирилган;

27 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъати томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 121 та ишнинг:

29 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

33 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун биринчи инс-

танция судига юборилган;

10 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган;

31 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган;

16 таси бўйича иш юритиш тугатилган;

1 таси бўйича суд қарори бекор қилиниб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш суриштирув органига юборилган;

1 таси бўйича кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган ишларнинг 81 тасини Тошкент шаҳар, 60 тасини Тошкент вилояти, 45 тасини Хоразм вилояти, 42 тасини Фарғона вилояти, 35 тасини Самарқанд вилояти, 29 тасини Қашқадарё вилояти, 27 тасини Сурхондарё вилояти, 23 тасини Андижон вилояти, 22 тадан Навоий ва Жиззах вилоятлари, 20 тасини Бухоро вилояти, 19 тасини Наманган, 14 тасини Сирдарё вилояти, 9 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларида, 2 тасини ҳарбий судларда кўрилган ишлар ташкил этган.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган:

Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 82,7 фоиз (29 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 22 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти маъмурий судларининг 78,2 фоиз (23 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 16 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент вилояти маъмурий судларининг 75,0 фоиз (60 та иш кўрилган, шундан 10 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 35 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри маъмурий судларининг 71,6 фоиз (81 та иш кўрилган, шундан 13 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 48 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти маъмурий судларининг 71,4 фоиз (42 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 27 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилин-

ган);

Наманган вилояти маъмурий судларининг 68,4 фоиз (19 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 12 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти маъмурий судларининг 60,0 фоиз (35 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 19 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг 55,5 фоиз (9 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти маъмурий судларининг 55,5 фоиз (45 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти маъмурий судларининг 55,0 фоиз (20 та иш кўрилган, шундан 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти маъмурий судларининг 54,5 фоиз (22 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти маъмурий судларининг 51,8 фоиз (27 та иш кўрилган, шундан 14 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Жиззах вилояти маъмурий судларининг 50,0 фоиз (22 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти маъмурий судларининг 42,8 фоиз (14 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

ҳарбий судларнинг 50,0 фоиз (2 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори бекор қилинган) суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш натижалари бўйича 2 та тақдимнома чиқарилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларига, "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖга юборилган.

Шунингдек, оммавий ҳуқуқий муносабат-

лардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўрилган 3 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилиб, уларнинг 2 таси Хоразм вилоят ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ва 1 таси Хоразм вилоят маъмурий судига юборилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.

Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда айбдор шахсдан моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда қуйи инстанция судлари томонидан Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори 27-банди учинчи хатбошисида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг ушбу қарори 27-банди учинчи хатбошисида, агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмаслиги ҳақида хулосага келса, манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш тушунтирилиши кўрсатилган.

Гарчанд, етказилган моддий зарар миқдори бўйича ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасида келишмовчилик мавжуд бўлса-да, манфаатдор шахсларга ушбу масалани фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқи тушунтирилмасдан, Бағдод тумани ва Фарғона вилояти маъмурий судлари томонидан МЖТК 133-моддасига асосан маъмурий жазони қўллаш билан бир вақтда айбдор шахсдан моддий зарарни ундириш масаласи ҳам ҳал этилган.

МСИЮТК 227-моддасига мувофиқ, кассация шикоятни суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилган бўлса-да, кассация шикоятини белгиланган муддати ўтган, деган асос билан қайтариш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган (Анджон вилоят маъмурий суди).

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"-

ги қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокими терговчининг тақдимномаси ва қарорига асосланиб ўзининг қарорини бекор қилганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд (Тошкент вилоят маъмурий суди).

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 421-моддаси биринчи қисмида суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлилиги белгиланган, аммо давлат ижрочиси томонидан ушбу қонун талаблари доирасидан четга чиқиб, ижро ҳужжати бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса-да, давлат ижрочисининг мазкур қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш асоссиз рад этилган (Фарғона вилоят маъмурий суди).

Ер кодексининг 31-моддасида ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асослари белгиланган бўлса-да, низоли ер участкасига бўлган ҳуқуққа эга бўлмаган шахс ушбу ер участкаси бўйича чиқарилган туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаби иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан қуйи судлар томонидан асоссиз равишда қаноатлантирилган (Самарқанд вилоят маъмурий суди).

Судлов ҳайъати томонидан:

"Маъмурий судлар томонидан 2018-2019 йилларда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ кўрилган маъмурий ишлар (оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар) бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йилда

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XXIV бобида (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш) назарда тутилган моддаларда белгиланган нормаларни амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиёти";

"Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилда назорат тартибида келиб тушган шикоятларни ўрганиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида чиқарилган ажримлар самарадорлиги масаласи";

"Маъмурий суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи ярмида маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш амалиёти" умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

I. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти обзори

1. Маъмурий суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмас деб ҳисобласа, ўз қарорида манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқини тушунтиради.

Фуқаро Р.О. 2020 йил 12 июнда соат 18:30 да бошқарувидаги "Ласетти" русумли, давлат рақами 01 R 222 AA бўлган автомашинада Фурқат кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, Фурқат ва Авлоний кўчалари чорраҳасида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 99-банди талабларига риоя қилмасдан, чап томонга бурилишда ўзига нисбатан қарама-қарши йўналишдан тўғрига ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи К.А. бошқарувидаги "Скутер" русумли транспорт воситасига йўл бермасдан, К.А.нинг йўлига чиқиб кетиши натижасида йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.О. МЖТКнинг 133-моддаси билан айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида, яъни 1 115 000 сўм жарима жазоси тайинланган ва ҳуқуқбузар-

Шунингдек, судлов ҳайъати томонидан жорий йилнинг январь-март ҳамда апрель-июнь ойларида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатида муҳокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасига асосан, судлов ҳайъати томонидан жорий йилнинг ноябрь ойида МСИЮТКнинг 133 ва 134-моддаларига мувофиқ аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва аризани (шикоятни) қайтаришга доир суд амалиётини умумлаштириш ва Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш режалаштирилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция (кассация) инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда МСИЮТК, МЖТК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

дан жабрланувчи К.А. фойдасига 8 980 000 сўм моддий зарар ва баҳолаш хизмати учун тўланган 400 000 сўм ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларининг ҳуқуқбузар Р.О.дан жабрланувчи К.А. фойдасига 8 980 000 сўм моддий зарар ва баҳолаш хизмати учун тўланган 400 000 сўм ундириш қисмини бекор қилган ва манфаатдор шахсларга зарарни ундириш масаласини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалала-

ри тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори 27-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида берилган тушунтиришларга асосланган. Чунки биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни кўришда содир этилган ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланувчига етказилган зарар миқдорини аниқлашда ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасида келишмовчилик бўлсада, моддий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилиб хатога йўл қўйган.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим ма-

салалари тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори 27-банди иккинчи хатбошисида суд маъмурий жазони қўллаш билан бир вақтда айбдор шахс томонидан моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этиши лозимлиги, учинчи хатбошисида, агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмаслиги ҳақида хулосага келса, манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде ҳал этиши лозимлиги таъкидланган.

3-1006-2003/3768-сонли иш

2. Суд МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахс томонидан жабрланувчига ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, унинг моддий аҳволини, қилмишидан пушаймонлигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, унга нисбатан МЖТКнинг 133-моддаси санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаши мумкин.

Фуқаро С.С. 2019 йил 18 ноябр куни соат 11:55 да бошқарувидаги "Газ-330200" русумли, давлат рақами 10 К 112 АВ бўлган автомашинада Гулханий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, мой алмаштириш шохобчаси қаршисида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 53, 73-бандлари ва 77-банди биринчи хатбошиси талабларига риоя қилмасдан, ҳаракатнинг серқатновлигини инобатга олмасдан, ўзидан олдинда пиёдалар йўлакчаси қаршисида тўхтаган Д.Д. бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 10 В 222 РА бўлган автомашинани бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтаётганлигига ишонч ҳосил қилмасдан, ўзи билан бир йўналишда унга нисбатан ўнг қатордан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи П.П. бошқарувидаги "Каптив" русумли, давлат рақами 10 Н 223 ВР бўлган автомашина билан тўқнашув содир қилган. Натижада Д.Д. бошқарувидаги "Нексия" русумли, давлат рақами 10 В 222 РА бўлган автомашинага ҳам зарар етган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар С.С. МЖТКнинг 133-моддаси билан айбли деб топилиб, унга нисбатан икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш

жазоси тайинланган ва ҳуқуқбузар С.С.дан жабрланувчи П.П. фойдасига 28 400 000 сўм ва жабрланувчи Д.Д. фойдасига 4 800 000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, ҳуқуқбузар С.С.га МЖТКнинг 133-моддаси билан тайинланган икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини олти ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосига келтиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида ҳуқуқбузар томонидан жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигига, унинг моддий аҳволига, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигига, жавобгарликни енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларга асосланган.

МЖТКнинг 33-моддасига кўра, суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга

олган ҳолда сабаб ва асосларни албатта, кўрсатиб, ушбу кодекснинг Махсус қисмидаги моддалар санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо

ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада энгил жазо чорасини қўллаши мумкин.

3-1007-1901/6055-сонли иш

II. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларга оид ишлар бўйича суд амалиёти обзори

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ туман ҳокимининг қонун ҳужжатларига зид қарори туман ҳокимининг ўзи томонидан фақат прокурорнинг протестига асосан бекор қилиниши мумкин. Терговчининг тақдимномаси ёки қарори ҳоким қарорини бекор қилишга асос бўлмайди.

"А" фермер хўжалиги раҳбари Б.Р.нинг аризасига асосан туман ҳокимининг 2016 йил 12 июндаги 121-сонли қарори билан фермер хўжалигига ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга берилган ер майдонининг 42,8 гектар қисми туман захирасига қайтарилган. Ушбу ер майдонининг 6,7 гектар қисми туман ҳокимининг 2017 йил 11 августдаги 222-сонли қарори билан ўтказилган очиқ танлов якунларига кўра, танлов ғолиби деб топилган Д.Д.га савзавотчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун узоқ муддатга ижарага берилган ва "Б" фермер хўжалиги ташкил қилинган.

"А" фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига асосан туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлими томонидан суриштирув ишлари олиб борилган. Суриштирув натижаларига кўра, фермер хўжалиги раҳбари Б.Р. томонидан фермер хўжалиги ерларини туман захирасига қайтариш ҳақида ариза ёзилмаганлиги, ариза бошқа шахс томонидан ёзилиб, имзо қалбакилаштирилганлиги аниқланган. Терговчининг 2019 йил 14 мартдаги қарори билан айб依лик масаласи ҳал қилинмасдан, жиноят иши иш юритишдан тугатилган.

Туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлимининг мазкур қарори ва 2019 йил 14 мартдаги қонун бузилиши ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимномаси туман ҳокимлигига юборилган. Туман ҳокими туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлимининг 2019 йил 14 мартдаги қарори ва тақдимномасига асосан 2019 йил 23 майдаги 333-сонли қарорини қабул қилган. Туман ҳокимининг ушбу қарори билан туман ҳокимининг 2016 йил 12 июндаги 121-сонли қарори бекор қилинган.

"Б" фермер хўжалиги судга мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 23 майдаги 333-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган. Туман ҳокимлиги зиммасига "Б" фермер хўжалигига бошқа ер майдони ажратиш масаласини муҳокама қилиш мажбурияти юклатилган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини асоссиз равишда бекор қилган деб ҳисоблаган. Чунки апелляция инстанцияси суди туман ҳокимининг 2019 йил 23 майдаги 333-сонли қарори туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлимининг 2019 йил 14 мартдаги қарори ва тақдимномасига асосан қабул қилинганлигига эътибор бермаган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилишда асосли равишда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 25 ва 29-моддаларига асосланган.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасида ҳокимнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, мазкур моддада ҳокимга ўзи қабул қилган қарорини дастлабки тергов органининг тақдимномаси ёки қарорига асосан қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ваколати назарда ту-

тилмаган.

Ушбу қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса, Ўзбекистон Республикаси

публикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда туман ҳокимининг 2016 йил 12 июндаги 121-сонли қарорига нисбатан прокурор томонидан протест билдирилмаган бўлса-да, туман ҳокими ушбу қарорни ўзининг 2019 йил 23 майдаги 333-сонли қарори билан бекор қилган.

3-1107-1901/1976-сонли иш

2. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 421-моддасига кўра, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бунда алимент тўловларини ундириш бўйича кўзгатишган ижро иши юзасидан алимент тўловчининг қарзи мавжуд бўлмаганда, давлат ижрочиси мазкур қонун нормасига асосан алимент тўловчининг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин эмас.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 5 октябрдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Ж.О.нинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун қарздор Л.М.дан ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси шаҳар бўлими давлат ижрочисининг 2018 йил 23 мартдаги "Қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида"ги қарорига асосан Л.М.нинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чеклаб қўйилган.

Аризачи Л.М. судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси шаҳар бўлимининг 2018 йил 23 мартдаги "Қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисида"ги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилишда асосли равишда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 421-моддасига таянганлигига асосланган.

Ушбу қонуннинг 421-моддасига кўра, суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси шаҳар бўлимининг 2019 йил 18 сентябрдаги 111-сон-

ли маълумотномасига кўра, аризачи Л.М.нинг 2018 йил 23 март ҳолатида алимент тўловларидан қарзи мавжуд эмаслиги ўз тасдиғини топган.

Шу сабабли судлов ҳайъати апелляция

инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

3-1503-1901/1421-сонли иш

3. Суд устидан шикоят қилинаётган қарор қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этади.

Шаҳар ҳокимининг 2017 йил 12 декабрдаги 211-сонли қарорига асосан "Р" МЧЖга фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган 2042 м2 маъмурий бино бузилиши белгиланган. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу кўчмас мулк объекти учун "Р" МЧЖга белгиланган тартибда компенсация тўлаб бериш масаласи ҳал этилмаган.

Шу сабабли аризачи "Р" МЧЖ судга мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимлиги зиммасига "Р" МЧЖга тегишли бўлган 2042 м2 майдондаги маъмурий бино бузилиши оқибатида унга етказилган зарар бўйича компенсация тўловларини тўлаб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан шаҳар ҳокимлиги зиммасига "Р" МЧЖга тегишли бўлган 2042 м2 майдондаги маъмурий бино бузилиши оқибатида МЧЖга етказилган зарар бўйича компенсация тўловларини тўлаб бериш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Мазкур суднинг қарорини ижросини таъминлаш юзасидан 2019 йил 15 октябрда шаҳар ҳокимлигининг Муниципал активларни бошқариш маркази ва "Р" МЧЖ ўртасида 1-сонли келишув битими имзоланиб, шаҳар ҳокимлигининг Муниципал активларни бошқариш маркази балансида бўлган 2042 м2 майдондаги маъмурий бино "Р" МЧЖга ўрнатилган тартибда шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига асосан ажратилиши, бино баҳоланиши ва қўшимча ҳисоб-китоблар қилиниши назарда тутилган.

Аммо кейинчалик ушбу 2042 м2 майдондаги маъмурий бино шаҳар ҳокимининг 2019 йил 16 ноябрдаги 111-сонли қарорига асосан тузилган келишув битимига мувофиқ "Х-банк" АТБга топширилган.

Шу сабабли аризачи "Р" МЧЖ судга янгидан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 16 ноябрдаги 111-сонли қарори-

ни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди асосли равишда арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди аризани қаноатлантириб хатога йўл қўйган деб ҳисоблаган. Чунки биринчи инстанция суди 2042 м2 майдондаги низоли бино шаҳар ҳокимлигининг тасарруфидаги мулк бўлиб, шаҳар ҳокимлиги ушбу бинонинг мулкдори ҳисобланишига, 2019 йил 15 октябрда шаҳар ҳокимлигининг Муниципал активларни бошқариш маркази ва "Р" МЧЖ ўртасида 1-сонли келишув битимининг имзоланганлиги низоли бинога нисбатан "Р" МЧЖнинг мулк ҳуқуқи вужудга келганлигини билдирмаслигига, шаҳар ҳокимининг 2019 йил 16 ноябрдаги 111-сонли қарори қабул қилиниши "Р" МЧЖнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмаганлигига асосланиб тўғри хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир.

МСИЮтКнинг 189-моддаси учинчи қисмига асосан, суд агар устидан шикоят

қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризаачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганли-

гини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

3-1006-2001/247-сонли иш

4. Ишда иштирок этувчи шахс томонидан МСИЮтКнинг 227-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддатда берилган кассация шикоятни уни бериш муддатига риоя қилинмаганлиги асоси билан қайтарилиши мумкин эмас.

Аризачи Т.Р. судга ариза билан мурожаат қилиб, туман 26-сайлов округи сайлов комиссиясининг "Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисида" 2019 йил 22 декабрдаги баённомасига сайловчиларнинг овозлари сонини нотўғри киритиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад қилинган.

Аризачи Т.Р. биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан 2020 йил 11 мартда кассация шикоятни билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси судининг 2020 йил 16 мартдаги ажрими билан аризаачининг кассация шикоятини МСИЮтКнинг 234-моддаси биринчи қисми 5-бандига бинотан, кассация шикоятни бериш муддатининг ўтказиб юборилганлиги ва унга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома илова қилинмаган, деган асос билан қайтарилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, аризачи Т.Р.нинг кассация шикоятини мазмунан

қўриш учун ишни кассация инстанциясига юборишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда кассация инстанцияси суди кассация шикоятини қайтаришда МСИЮтКнинг 227-моддаси биринчи қисмида белгиланган кассация шикоятини бериш муддатига риоя қилинмаганлигига асосланган.

МСИЮтКнинг 227-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, кассация шикоятни (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Ваҳоланки, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори 2020 йил 22 январда қабул қилинган бўлиб, у 2020 йил 11 февралда қонуний кучга кирганлиги сабабли, МСИЮтКнинг 227-моддаси биринчи қисмига асосан, кассация шикоятини бериш муддати 2020 йил 11 март ҳисобланган.

Аммо кассация инстанцияси суди аризаачи томонидан кассация шикоятни 2020 йил 11 мартда биринчи инстанция судига топширилган бўлса-да, уни кассация шикоятни бериш муддати ўтказиб юборилганлиги асоси билан қайтариб, нотўғри хулосага келган.

7-719-20-сонли иш

5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Туман ҳокимининг 2019 йил 23 июлдаги 222-сонли қарори билан Алишер Навоий маҳалласи, Наврўз қишлоғида жойлашган Д.К.нинг фойдаланишида бўлган уй-жойга эгалик ҳуқуқи белгиланган. Аммо "Дўстлик" номли ёзги болалар оромгоҳи маъмурияти Алишер Навоий маҳалласи, Наврўз қишлоғида жойлашган Д.К.нинг фойдаланишида бўлган уй-жойни оромгоҳга тегишли деб

ҳисоблаб, туман ҳокимининг ушбу қароридан норози бўлган.

Шу сабабли "Дўстлик" номли ёзги болалар оромгоҳи маъмурияти судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 23 июлдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган бинони жавобгар ҳисобидан буздиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг 2019 йил 23 июлдаги 222-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш талабини қаноатлантириш рад этилган, ўзбошимчалик билан қурилган бинони жавобгар ҳисобидан буздириш талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, туман ҳокимининг 2019 йил 23 июлдаги 222-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва туман маъмурий судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди асосли равишда арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этган бўлса-да, кассация инстанцияси суди арз қилинган талабни қаноатлантириб хатога йўл қўйган деб ҳисоблаган. Чунки кассация инстанцияси суди аризани қаноатлантиришда Ер кодексининг 23 ва 31-моддалари талабларига эътибор бермаган.

Ваҳоланки, Ер кодексининг 23-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ер участкаларини эгаллик қилиш, фойдаланиш учун ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация

қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ушбу кодекснинг 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ер участкаларини ажратиб бериш Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ушбу кодекснинг 31-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Аммо "Дўстлик" номли ёзги болалар оромгоҳи маъмуриясида низоли ер участкасига нисбатан ҳуқуқни вужудга келтирувчи мазкур қонун талабларида кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд эмас. Бундан ташқари судга тақдим этилган вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2019 йил 14 октябрдаги 555-сонли хатида Д.К. томонидан қурилган қурилишлар "Дўстлик" номли ёзги болалар оромгоҳининг худудига кирмаслиги маълум қилинган.

7-781-20-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 29 октябрь

№ РС-51-20

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2020 йилнинг биринчи ва иккинчи ярмига мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

2020 йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 146 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1056 та назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан: 302 та шикоят қайтарилган, 111 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 288 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 347 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

387 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 146 та иш бўйича суд қарорла-

ри ўзгаришсиз қолдирилган, 47 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 194 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган. Жумладан, 52 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 90 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 32 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 16 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 114 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 13 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (5 та қонун ва 2 та қонуности ҳужжатлари), 2 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 5 та умумлаштириш ва 3 та обзор ўтказилиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, назорат инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

ишни тарафлар иштирокида кўриб чиқиш, жавобгарни даъвогарнинг розилиги билан алмаштириш ва суднинг ташаббусига кўра, иккинчи жавобгарни жалб этишда процессуал қонун нормаларига тўлиқ риоя этмаслик;

Иқтисодий процессуал кодексининг 177-

моддасига кўра, низо юзасидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.

Аммо қарор қабул қилишда далилларни тўлиқ текшириш чоралари кўрилмаганлиги;

гаров тўғрисидаги шартномадан келиб чиққан низо юзасидан кўрилган иш бўйича "Гаров тўғрисида"ги қонунда белгиланган ундирувни гаров мулкига қаратиш билан боғлиқ нормаларга тўлиқ риоя этмаслик;

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида белгиланган иштирокчининг ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатига етарли ҳуқуқий баҳо бермаслик;

нотижорат ташкилоти гарчи, ўзининг фаолияти юзасидан солиқларни тўламаса-да,

агар нотижорат ташкилот тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб даромад олса, ушбу солиқлар ва мажбурий ажратмаларни белгиланган тартибда тўлаши лозимлигига ҳуқуқий баҳо бермаслик.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустақамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р К И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Қ.Комилов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар

раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2020 йил ноябрь ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2020 йил 1 декабрга қадар** тақдим этиш юклатилсин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

**Раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг биринчи ўринбосари**

Р. МАХМУДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йилнинг 9 ойи давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат тартибида қайта кўрилган.

2020 йилнинг тўққиз ойи давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 146 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1056 та назорат шикоятлари (протестлари) келиб тушган.

Улардан: 302 та шикоят қайтарилган, 111 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 288 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 347 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

387 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 146 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 47 та суд қарорлари ўзгартирилган, 194 та суд қарорлари эса бекор қилинган. Жумладан, 52 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳуж-

жатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 90 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 32 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 4 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 16 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 114 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 13 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (5 та қонун ва 2 та қонуности ҳужжатлари), 2 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқилишида иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 5 та умумлаштиришлар ва 3 та обзор ўтказилиб Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

1. Бошқа жавобгарнинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар даъвогарнинг (даъвогарларнинг) розилиги билан ўша жавобгарни (жавобгарларни) ишда иштирок этиш учун жалб этади.

Агар қонун ҳужжатларида ишда бошқа жавобгар иштирокининг мажбурийлиги назарда тутилган бўлса, суд шу жавобгарни ишда иштирок этиш учун ўз ташаббуси билан жалб этади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги "Коммунхизмат" агентлиги "Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва унга яқин

аҳоли яшаш пунктларида ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи (бундан буён матн-

да даъвогар деб юритилади) ва Хитой миллий кимёвий-муҳандислик корпорацияси-CNCEC (бундан буён матнда бош пудратчи деб юритилади) ўртасида Фарғона, Марғилон шаҳар ва унга яқин бўлган аҳоли яшаш пунктларида ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш лойиҳаси юзасидан қиймати 44 978 526 АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланган. Мазкур шартнома асосида 2009 йилда Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани, Хўжаобод тумани, Булоқбоши тумани ва Марҳамат туманида жами 5145 метр масофада қазилган ишлари олиб борилиб, ичимлик суви учун қувурлар монтаж қилинган.

"Ал-Ҳаким" хусусий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) Хўжаобод туман ҳокими номига 2019 йил 14 январда 3-сонли хат билан мурожаат қилиб, ўзи ҳамда бир нечта корхона ва ташкилотлар учун 860 метр узунликда канализация тармоғини тортиш учун "Мустақкам" МФЙ ҳудудида ташландиқ бўлиб ётган пластик қувурларни канализация тармоғига монтаж қилишга рухсат беришни сўраган.

Жавобгарнинг мурожаатига асосан Хўжаобод туман ҳокими бошчилигида 2019 йил 15 январда йиғилиш ўтказилиб, унинг натижалари бўйича расмийлаштирилган баённомага асосан жавобгар 860 метр стекловолокнистая қувурларни Саноатчилар МФЙ ҳудудида канализация тармоғини қуриш учун олиб фойдаланиши ва қурилган канализация тармоғидан ўша ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари фойдаланиши ҳақида қарор қабул қилинган. Шунингдек, мазкур баёнда келгусида қувурларнинг ҳуқуқий эгаси даъво билан чиққанда жавобгар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириб, келтирилган зарарни қоплаши қайд этилган.

Ушбу баённома асосида жавобгар томонидан жами 1 280 метр узунликдаги қувурлар даъвогарнинг рухсатсиз олиб кетилганлиги ва Хўжаобод туман, Саноатчилар МФЙ ҳудудида канализация тармоғи қурилиши учун монтаж қилинганлиги ҳақида даъвогар ва "Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассислари иштирокида 2019 йил 9 декабрда ўлчов далолатномаси тузилган.

Даъвогар қурилиш объектларига монтаж қилинган қувурларни жавобгар томонидан ноқонуний олиб кетиш ҳолатини олдини олиш мақсадида Андижон вилоят ИИБ ва Хўжаобод туман ИИБга 2017 йил 14 ноябрда мурожаат қилган. Хўжаобод тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирув гуруҳи суриштирувчиси томонидан жавобгар мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят аломати аниқланмаганлиги ва мазкур низо юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилиш лозимлиги кўрсатилиб, 2020 йил 20 февралда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Даъвогар 2009 йил октябрь ойидаги 9-сонли счёто-фактура ва 8-сонли инвойсга асосан бош пудратчи томонидан бажарилган ишлар ва сув узатиш тармоғи қурилиши объектларига ташиб келинган стекловолокнистая PN-1000 MPa 1,6 маркали қувурлар учун тўловларни АҚШ долларида амалга оширганлиги, даъвогар ва бош пудратчи ўртасида тузилган далолатномада D-1000 ммли PN 1.6 MPa SN 5000 қувур 1 метрининг нархи 185,32 АҚШ доллари миқдоридан белгиланганлиги ва ташиш харажати 80,02 АҚШ долларини ташкил қилганлиги ва жами билан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 1 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентида (9532,40 сўм) жами 3 237 538 580 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Суднинг 2020 йил 14 январдаги ажрими билан ишга Хўжаобод туман ҳокимлиги низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Андижон вилоят иқтисодий суди биринчи инстанциясининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Андижон вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Даъвогар вакили назорат шикоятда кассация инстанцияси суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бош пудратчига тўлаб берилган аванс маблағлари ҳисобига қувурлар 2018 йилда даъвогарнинг балансига олинганлиги, зарар ет-

казилганлиги факти ва миқдори ишдаги ҳужжатлар билан тасдиқланишини, бироқ кассация инстанцияси суди мазкур далилларга баҳо бермаганлигини, жавобгар биринчи инстанция судида фақатгина 16 та қувурларни олганлигини билдирган бўлса-да, кассация инстанцияси судида иш кўри-лаётган вақтда яна 40 та қувурларни ўзи қурган канализация тизимидан ковлаб олганлигини ва улар яроқсиз ҳолатга келганлигини, 400 метрдан ортиқ қувурлар кана-лизация тизимидан ковлаб олинмаганлиги-ни таъкидлаб, кассация инстанцияси су-дининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Жавобгар вакили назорат шикоятига нис-батан эътироз билдириб, канализацияни қуриш ишлари туман ҳокимлигининг баё-ни асосида ўтказилганлиги, ишлар "Обод маҳалла" дастури доирасида бепул амал-га оширганлигини, низоли қувурлар даъ-вогарнинг балансида мавжуд эмаслигини, канализация тармоғининг узунлиги даъво-гар кўрсатганидек 1 260 метр эмас, балки 860 метрни ташкил қилишини, жиноят иш-лари бўйича суд ҳукмида қувурлар фойда-ланишга яроқсиз эканлиги қайд этилган-лигини, зарар суммаси нотўғри ҳисоблаб чиқилганлигини таъкидлаб, кассация ин-станцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, мазкур низонинг келиб чиқишига Хўжаобод туман ҳокимли-гининг 2019 йил 15 январдаги йиғилиш ба-ёни шаклидаги қарори сабаб бўлган, чун-ки ушбу ҳужжат билан жавобгарга 860 метр қувурларни Саноатчилар МФЙ ҳудудида кана-лизация тармоғини қуриш учун олиб фой-даланишга рухсат берилган.

Жалақудуқ туман маъмурий судининг 2019 йил 6 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг Хўжаобод туман ҳоким-лигига нисбатан берган аризаси қаноат-лантирилиб, Хўжаобод туман ҳокимлигининг 2019 йил 15 январдаги йиғилиш баёни шаклидаги қарорини қабул қилиш орқали жавобгарга Хўжаобод тумани, Мустаҳкам МФЙ ҳудудида фойдаланилмай ташландиқ бўлиб турган пластик қувурлардан 860 мет-рини суюқ чиқиндиларни тозалов иншоо-тига олиб чиқишга янги канализация ўрна-тиш учун фойдаланишга рухсат беришдан иборат ҳаракатлари ғайриқонуний ва 2019

йил 15 январдаги йиғилиш баёни ҳақиқий эмас, деб топилган.

ФКнинг 15-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бо-шқариш органлари томонидан қонун ҳуж-жатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чи-қарилиши натижасида фуқарога ёки юри-дик шахсга етказилган зарар давлат томо-нидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органи томонидан тўланиши керак-лиги белгиланган.

ИПКнинг 44-моддаси тўртинчи ва бешин-чи қисмларига кўра, бошқа жавобгарнинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлма-ган тақдирда, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар даъ-вогарнинг (даъвогарларнинг) розилиги би-лан ўша жавобгарни (жавобгарларни) ишда иштирок этиш учун жалб этади.

Агар қонун ҳужжатларида ишда бошқа жа-вобгар иштирокининг мажбурийлиги назар-да тутилган бўлса, суд шу жавобгарни ишда иштирок этиш учун ўз ташаббуси билан жалб этади.

Бироқ, биринчи инстанция суди томони-дан юқорида қайд этилган ҳолат инобатга олинмаган ва процессуал ҳуқуқ нормала-рига риоя қилинмаган, яъни ишга иккинчи жавобгар сифатида Хўжаобод туман ҳоким-лиги жалб қилинмаган ҳамда даъвогарга зарар етказилишида унинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласи ўрганил-маган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди сайёр суд мажлисида канализация тармо-ғининг 3 та жойи ковланиб кўрилганлиги-ни, 1,5 метр чуқурликда тахминан 200 метр масофада бошқа қувурлар ўрнатилганли-гини аниқлагани, қувурлар ўрнатилган жой-ни тўлиқ текшириб чиқишга жавобгар ҳамда ўша ҳудудда жойлашган бошқа тадбиркор-лик субъектлари томонидан қаршилик қилинганлигини ҳал қилув қарорида кўрсат-ган бўлса-да, канализация тармоғининг узунлигини, унда ётқизилган қувурлар даъ-вогарга тегишли ёки бошқа қувурлар экан-лигини тўлиқ аниқламасдан, даъво талаби-ни қаноатлантириш тўғрисида барвақт ху-лосага келган.

Холбуки, Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги, қарор далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончилиги ва етарлилиқ ҳақидаги ИПКнинг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Кассация инстанцияси суди эса, назорат ўлчови далолатномасида Хўжаобод туманида Бош пудратчи томонидан неча метр қувур монтаж қилинганлиги акс эттирилмаганлиги, Бош пудратчи томонидан кўмилган қувурларнинг аниқ узунлиги, шундан қанча қисми ковлаб олиб кетилганлигининг далили судга тақдим этилмаганлигини асос қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган. Бироқ кассация инстанцияси суди жавобгар 16 дона қувурларни олинган жойга қайтарганлигини, суд муҳокамаси даврида жавобгар томонидан яна 40 дона қувур кўмилган жойидан чиқариб қўйилганлигини қарорда кўрсатган, яъни даъвогарга жавобгар томонидан зарар етказилганлигини аниқлаган бўлса-да, зарарнинг ҳақиқий миқдорини жойига чиқиб аниқламасдан, зарар исботланмаганлиги асоси билан даъво талабини қаноатлантиришни рад этган.

Бундай ҳолатда кассация инстанцияси судининг хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ эмас, деб ҳисобланади.

2. Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкин.

Суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантилмаган қарорлар қабул қилиниши мумкин эмас.

"Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК (бундан буён матнда даъвогар деб юри-

"Стекловолокнистая и пластмассовая труба" МЧЖ раҳбари Х.Умарқариевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича 2013 йил 23 январда чиқарилган жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукмида МЧЖ ва бош пудратчининг ходимлари олдиндан тил бириктириб, давал маҳсулотларини қувур маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган сарф меъёрларини бузиб, ишлаб чиқаришда қасддан давал маҳсулотини кам миқдорда ишлатиб, натижада оғирлиги жиҳатидан енгил бўлган қувурлар ишлаб чиқарилгани ҳолати қайд этилган.

Бироқ судлар томонидан мазкур суд ҳукми билан аниқланган ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилмаган, даъвода кўрсатилган қувурлар ушбу ҳукмда кўрсатилган қувурларми ёки бошқа, низоли қувурлар давал маҳсулотларини қувур маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган сарф меъёрлари асосида ёки уларни бузган ҳолда ишлаб чиқарилганлиги, агар сарф меъёрлари бузилган бўлса, қувурнинг ҳақиқий қиймати қанчани ташкил қилиши, шундан келиб чиқиб зарар миқдори қанчани ташкил қилиши ҳолатлари аниқланмаган.

ИПКнинг 302-моддаси тўртинчи қисми 4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга асосан судлов ҳайъатининг қарори билан назорат шикоят қисман қаноатлантирилиб, суд қарорлари бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

4-1706-2001/7-сонли иш

тилади) ва "Само маҳсус қурилиш транс" МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб

юритилади) ўртасида 2017 йил 4 июль ва 31 октябрда тузилган пудрат шартномаларига асосан "пудратчи" (жавобгар) Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган 08366-ҳарбий қисм ҳудудидаги 1 та 3 қаватли 18 хонадондан иборат ҳарбий хизматчилар уй-жойларини қуриш ишларини олиб бориш, ўз навбатида, "бююртмачи" (даъвогар) қурилиш ишларини амалга оширилиши учун шароит яратиб бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг қийматини тўлаш мажбуриятини зиммасига олган.

Шартноманинг 3-бандида шартнома бўйича бажариладиган ишлар вилоят ҳокимлигининг 2017 йил 15 июндаги 6/17-сонли баённомаси, шунингдек, вилоят Давлат экспертиза бошқармасининг 2017 йил 22 июндаги 51/06-17-сонли хулосаси билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқ, йиғим ва ажратмаларсиз, бююртмачининг сақлаш ва бошқа харажатларисиз жорий нархларда узил-кесил 1 340 820 833 сўм этиб белгиланган.

Даъвогар томонидан мазкур шартнома бўйича қурилиш ишларини амалга ошириш учун жавобгарга 1 273 184 709,81 сўм маблағ ажратилган, жавобгар томонидан 1 253 913 356 сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида ҳисобварақ-фактура даъвогарга тақдим этилган. Натижада ажратилган пул маблағи ва бажарилган ишлар қиймати ўртасида 19 271 353,63 сўм тафовут мавжудлиги аниқланган.

Шартноманинг 12-бандида танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2017 йил 20 декабрга қадар этиб белгиланган. Шартноманинг 61-бандида жавобгар объектни ўз вақтида фойдаланишга топширмаганда ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи, бироқ шартнома умумий қийматининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши лозимлиги белгиланган. Жавобгар қурилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда якунламасдан, 86 907 476 сўмлик ишларни 516 кунга кечиктирилганлиги учун унга 44 844 258 сўм пеня ҳисобланган.

2017 йил 31 октябрдаги 5/БА-17-сон-

ли пудрат шартномасига асосан "пудратчи" (жавобгар) Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган 08366-ҳарбий қисм ҳудудидаги 1 та 3 қаватли 18 хонадондан иборат ҳарбий хизматчилар уй-жойларини "Ретро строй сервис" МЧЖ томонидан бажарилмаган қисмида қурилиш ишларини олиб бориш, ўз навбатида, "бююртмачи" (даъвогар) қурилиш ишларини амалга оширилиши учун шароит яратиб бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва уларнинг қийматини тўлаш мажбуриятини зиммасига олган.

Шартноманинг 2.2-бандида шартнома қийматига назорат ўлчови далолатномасига асосан аниқланган 107 460 913 сўм зарар (шундан 5м3 ёғоч 5 250 000 сўм, 14,441 тн. қиймати 2 912 087 сўм бўлган металлопрокат ва 23 206 665 сўм аванс маблағи ҳисобидан) қўшилиб, шартноманинг баҳоси жами 1 203 372 197 сўм қилиб белгиланган.

Даъвогар томонидан мазкур шартнома бўйича қурилиш ишларини амалга ошириш учун жавобгарга 1 032 666 796,57 сўм пул маблағи ажратилган, жавобгар томонидан 868 923 841,1 сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида ҳисобварақ-фактура даъвогарга тақдим этилган. Натижада ажратилган пул маблағи ва бажарилган ишлар қиймати ўртасида 163 742 955,47 сўм тафовут мавжудлиги аниқланган.

Шартноманинг 4.2-бандида қурилишни тугатиш ва объектни топшириш муддати 2018 йил 30 июлга қадар деб белгиланган. Шартноманинг 6.3.1-бандида жавобгар объектни ўз вақтида фойдаланишга топширмаганда ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи, бироқ шартнома умумий қийматининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши лозимлиги белгиланган. Бироқ жавобгар қурилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда якунламасдан, 290 кунга кечиктирилганлиги учун унга 131 652 716,94 сўм пеня ҳисобланган.

Даъвогар ҳар иккала шартнома бўйича тўланган пул маблағлари ва амалда бажарилган ишлар ўртасидаги 183 014 309,09 сўм фарқи, шу билан бирга ҳисобланган 176 946 974,94 сўм пеняни ихтиё-

рий тўлаш ҳақида жавобгарга талабнома юборган, аммо унинг талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси даъвогар манфаатида туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 183 014 309,09 сўм асосий қарз ва 176 496 974,94 сўм пеня ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 10 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 183 014 309,09 сўм асосий қарз ва 52 949 092 сўм пеня ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2019 йил 14 ноябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгарнинг назорат шикоятда судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, ҳар иккала шартнома бўйича уй-жойлар тўлиқ қурилиб, 2018 йилда уй эгаларига топширилганлиги, 2019 йил 15 майда ишчи ҳайъати далолатномаси тузилиб, қарор қабул қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги ҳақида форма-3 тузилиб, даъвогарга 2018 йил 14 апрелда топширилганлиги, бироқ филиал томонидан мазкур ҳисоботлар қабул қилинмасдан келинганлиги, такроран мазкур ҳисоботлар 2019 йилнинг 13 ноябрь куни филиалга топширилганлиги, жавобгар объектлар фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида даъвогарга бир неча бор оғзаки ва ёзма билдиришнома берганлиги, 2019 йил 15 майда тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида давлат қабул ҳайъатининг далолатномаси расмийлаштирилган бўлса-да, жавобгар томонидан форма-3 қабул қилинмаётганлиги, жами 372 миллион сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида форма-3 охириги маротаба 2020 йил 15 июнда тузилиб, даъвогар техник назоратчиси томонидан қабул қилиб олинганлиги, мазкур уйлар 2019 йил 10 июлда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг қарори билан фойдаланишга қабул қилинганлиги, уйлар уй эгаларига ўз вақтида топширилганлиги сабабли ҳисобланган пеня асосизлигини таъкидлаб, суд қарорларини бекор қилишни ва даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул

қилиш сўралган.

Даъвогар вакили мазкур қурилиш объектида техник назоратни амалга оширганлигини, 2019 йил 15 майда тузилган намунавий лойиҳалар асосида қурилиши тугалланган турар-жой биноларини давлат қабул ҳайъатига тақдим этиш учун тайёрлиги ҳақидаги ишчи ҳайъат далолатномасини ўзи ҳам имзолаганлигини, айнан шу куни тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида давлат қабул ҳайъатининг далолатномаси расмийлаштирилганлиги ва шу вақтда жавобгар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган барча ишлар тўлиқ бажариб бўлинганлигини таъкидлаган.

ФК 666-моддасига мувофиқ, қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 676-моддасига кўра, буюртмачи, пудратчининг оператив-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ишларнинг бажарилишини ва сифатини, уларни бажариш муддатларига (графикка) риоя этилишини, пудратчи берган материалларнинг сифатини, шунингдек, буюртмачининг материалдан пудратчи тўғри фойдаланаётганлигини текширишга ва назорат қилишга ҳақли.

Даъвогар ходимлари томонидан 2018 йил 24 декабрда жавобгар қурилиш ишларини олиб борган объектларда мониторинг ўтказишганда, жавобгар 28 626 898,3 сўмлик бажарилмаган қурилиш-монтаж ишларни ҳисоботларга қўшиб ёзганлиги; ҳар иккала шартнома бўйича ажратилган пул маблағи ва бажарилган ишлар (ҳисобварақ-фактуралар Ф-2, Ф-3 билан даъвогарга топширилган ишлар) қиймати ўртасида 183 014 309,36 сўм фарқ, яъни дебитор қарзи мавжудлиги;

5-сонли харбий хизматчилар уй-жойида 41 560 159 сўмлик, 6-сонли харбий хизматчилар уй-жойида 51 095 577 сўмлик, жами 92 655 736 сўмлик бажарилиши лозим бўлган ишлар мавжудли-

ги, шу билан бирга жавобгар томонидан 330 775 186,7 сўмлик бажарилган, лекин ҳисоботларга қўшилмаган (ҳисобварақ-фактуралар Ф-2, Ф-3 билан даъвогарга топширилмаган) ишлар мавжудлиги аниқланган.

Айнан мазкур ҳужжат даъво аризасида даъвонинг асоси сифатида кўрсатилган.

Судлар мазкур ишдаги мавжуд ҳужжатга тегишли баҳо бермасдан, жавобгар шартномада назарда тутилган иш ҳажми-ни бажармаганлиги, ишлар белгиланган тартибда топширилмаганлиги, тўланган пул ва амалда бажарилган ишлар ўртасида тавофут мавжудлиги ўз тасдиғини топган деб далолатномада қайд этилган жавобгар томонидан бажарилган, лекин ҳисоботларга қўшилмаган (ҳисобварақ-фактуралар Ф-2, Ф-3 билан даъвогарга топширилмаган) 330 775 186,7 сўмлик ишлар мавжудлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермасдан, даъвонинг асосий қарз ундириш талабини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шартноманинг 52-бандида буюртмачи ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда шартномани бекор қилинишини талаб қилиши мумкинлиги белгиланган.

Низоли ҳолатда даъвогар жавобгар томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя қилинмаган деб ҳисобласа, у билан тузилган пудрат шартномаларини бекор қилиб, жавобгар томонидан бажарилган, лекин ҳисоботларга қўшилмаган 330 775 186,7 сўмлик ишларини белгиланган тартибда қабул қилиши ва мавжуд 183 014 309,36 сўм дебиторлик қарзни ҳисобга олиш орқали ўзининг жавобгар олдида вужудга келадиган 147 760 877 сўм қарзини жавобгарга тўлаб бериши, бажарилмай қолган ишларни эса, бошқа пудратчига шартнома асосида топшириши мумкин бўлган. Аслида даъвогар ходими томонидан тузилган далолатномадаги ҳисоб-китоб маълумотлари таҳлил қилинса, мазкур шартномаларнинг ижро қилинишида даъвогар зарар кўрмаганлигини, аксинча, ўзи жавобгар олдида қарздор эканлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари 2019 йил 15 майда тузилган намунавий лойиҳалар асосида қурилиши тугалланган турар-жой биноларини давлат қабул ҳайъатига тақдим этиш учун тайёрлиги ҳақидаги ишчи ҳайъат далолатномаси ва айнан шу куни тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида давлат қабул ҳайъатининг далолатномаси расмийлаштирилган ҳамда ушбу далолатномалар расмийлаштирилган вақтда жавобгар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган барча ишлар тўлиқ бажариб бўлинган. Мазкур қурилиш объектида техник назоратни амалга оширган даъвогар вакили ҳам бу ҳақда суд мажлисида тасдиқлаб кўрсатма берган.

Бироқ давлат қабул ҳайъати далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ўтгач, даъвогар томонидан мазкур ҳолатлар инobatга олинмасдан, 2019 йил 31 майда жавобгардан дебитор қарз ва пеняни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси киритилган.

ФКнинг 680-моддасига кўра, пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Ишлар натижасининг пудратчи томонидан топширилиши ва буюртмачи томонидан қабул қилиб олиниши иккала тараф имзолаган далолатнома билан расмийлаштирилади. Тарафлардан бири далолатномани имзолашдан бош тортса, бу тўғрида ушбу далолатномага ёзиб қўйилади ва далолатномани иккинчи тараф имзолайди.

Объект давлат қабул ҳайъати томонидан фойдаланишга қабул қилинган бўлсада, жавобгар томонидан даъвогар филиалига тақдим этилган ишлар бажарилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар (форма-3) бугунги кунга қадар қабул қилинмасдан келинган. Ҳолбуки, шартномаларда белгиланган қурилиш объектининг кафолат муддати тугаб, пудратчига шартномаларда кўрсатилган қурилиш ишларнинг қиймати тўлиқ тўлаб берилиши лозим эди.

Бунинг тасдиғи жавобгар томонидан иш-

лар бажарилганлиги ҳақида 2019 йил 27 июнь ҳолатига тузилган ҳисобварақ-фактура (форма-3) ҳам филиал раҳбарининг 2019 йил 15 ноябрдаги хати билан ҳисобот даври тугаганлиги асоси билан ҳеч бир сабаб (ҳисоботдаги хато ва камчиликлар) кўрсатилмасдан жавобгарга қайтарилган. Ҳолбуки, мазкур уйлар 2019 йил 10 июлда Чирчиқ шаҳар ҳокимининг қарори билан фойдаланишга қабул қилинган. Шунингдек, иш ҳужжатларида мазкур уйларнинг сифати бўйича хонадон эгаларидан эътирозлар йўқлиги тўғрисида 2018 йил сентябрь ойида олинган тилхатлар, уй-жойлар уларга топширилганлиги ҳақида авизо ва топшириш-қабул қилиш далолатномалари мавжуд.

Фақатгина иқтисодий иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилаётган вақтга келиб, жами 372 миллион сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида 2020 йил 15 июнда жавобгар томонидан тузилган ҳисобварақ-фактуралар (форма-3) даъвогар филиалининг техник назоратчиси томонидан имзо қўйиб, қабул қилиб олинган.

Бундай ҳолатда, объект мониторинг қилинган вақтда ёки даъво аризаси судга тақдим этилган вақтда даъвогарнинг ўзи жавобгар олдида қарздор эканлигини инобатга олиб, даъвонинг жавобгардан 183 014 309,36 сўм дебиторлик қарзни ундириш талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим. Лекин судлар иш ҳолатларини тўлиқ аниқламасдан, далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермасдан, ушбу қарзни даъвогар фойдасига ундириш ҳақида асоссиз ва нотўғри хулосага келган.

ФКнинг 333-моддасига мувофиқ, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Даъвогарнинг жавобгардан ундириш сўралаётган пеня суммасининг ҳисоб-китоби ўрганилганда, ушбу сумма нотўғри ҳисобланганлиги, яъни даъво аризасига асос сифатида олинган 2018 йил 24 декабрда тузилган далолатномада бажарилмасдан қолган ишлар қиймати 92 655 736

сўмни ташкил қилиши кўрсатилган бўлсада, пеня суммаси юқорида асоссиз деб топилган дебитор қарз суммасидан ҳисобланган.

Қолаверса, Олий хўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори 4 ва 11-бандларида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок қилувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга; агар пул мажбуриятини бажармаганлик ёки унинг бажарилишини кечиктирганлик учун ФКнинг 327-моддасига мувофиқ, белгиланган фоизлар миқдори (ставкаси) пул мажбурияти бажарилишини кечиктириш оқибатларига очиқдан-очиқ номутаносиб бўлса, суд фоизларнинг қоплаш табиати ни ҳисобга олиб, ФКнинг 326-моддасига мос ҳолда, мазкур кодекснинг 335-моддасига асосан фоизлар миқдорини (ставкаси) камайтиришга ёки кредиторга уни ундиришни бутунлай рад этишга ҳақлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати қурилиш объекти ўз вақтида топширилиши кечиктирилишига даъвогар жавобгар томонидан ишлар бажарилганлиги ҳақида тузилган ҳисоб-фактураларни ўз вақтида қабул қилмаганлигини ҳамда объектни молиялаштириш мажбуриятини мунтазам бузиб келганлигини ҳамда пеня суммаси нотўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини инобатга олиб, даъвонинг жавобгардан пеня ундириш талабини ҳам қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг

бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд этилган ҳолатларни эътиборга

олиб, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1001-1901/11546-сонли иш

3. Ипотекага қўювчи фуқаро (жисмоний шахс) бўлган ҳолларда, башарти гаров бу фуқаронинг (жисмоний шахснинг) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, у ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича қандай мол-мулкни гаровга қўйганидан қатъи назар, узрли сабаблар бўлган тақдирда, суднинг қарорига кўра, ундирувни ижрога қаратиш ипотекага қўювчининг аризасига мувофиқ суд томонидан бир йилгача муддатга кечиктирилиши мумкин.

Гаровга қўювчи юридик шахслар бўлганлиги сабабли гаровдаги мулкка ундирувни қаратишни кечиктириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда Палата деб юритилади) АТ "Асака банк" (бундан буён матнда банк деб юритилади) манфаатида жавобгарлар "Bogishamol hayot" МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ ёки қарздор деб юритилади) ва "17-автобус саройи" МЧЖга (бундан буён матнда қўшимча жавобгар деб юритилади) нисбатан 6 255 019 610 сўм кредит қарзини ундириш, ундирувни гаровга қўйилган мулкларга қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси Наманган туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, МЧЖ ҳисобидан банк фойдасига 451 997 788 сўм муддати ўтган кредит фоизи, 918 053 802 сўм муддати ўтган кредит қарздорлик, 4 848 143 462 сўм муддати келмаган кредит қарздорлик ва 18 412 276 сўм пеня ундирилган ҳамда ундирув МЧЖ ва қўшимча жавобгарга тегишли кўчмас мулкларга қаратилган.

МЧЖ ва қўшимча жавобгарнинг ушбу қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида берилган ижро ҳужжатининг ижросини бир йил муддатга кечиктириш тўғрисидаги аризалари Наманган туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 3 февралдаги ажрими билан қисман қаноатлантирилиб, суд ҳужжатининг ижроси 2020 йил 17 февралга қадар кечиктирилган.

Наманган вилоят иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 24 март-

даги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгартирилиб, ҳал қилув қарорининг МЧЖ ҳисобидан банк фойдасига жами 6 236 625 168 сўм ундириш ҳамда ундирувни МЧЖ ва қўшимча жавобгарга тегишли кўчмас мулк объектларига қаратиш қисмининг ижроси 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ушбу қарори устидан Палата томонидан банк манфаатида назорат шикояти берилиб, мазкур қарорни бекор қилиш сўралган.

Банк вакили назорат шикоятида келтирилган важларини қўллаб-қувватлаб, апелляция инстанцияси суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришда моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, "Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг 53-моддаси талабидан келиб чиқиб, гаровга қўювчи юридик шахслар бўлганлиги сабабли гаровдаги мулкка ундирувни қаратишни кечиктириш мумкин эмаслигини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат қўмитасининг 2020 йил 16 мартдаги қарорида пандемия муносабати билан кредитнинг тўлови бўйича 2020 йил 1 октябргача имтиёзли давр берилиши назарда тутилганлиги, жавобгарнинг қарзи пандемияга қадар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида юзага келганлигини таъкидлаб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция суди ИПКнинг 342-

моддасининг биринчи қисмига асосланиб, суд ҳужжати ижросини кечиктирган. Бу билан суд процессуал ҳуқуқ нормасини бузилишига йўл қўйган.

Хусусан, ИПКнинг 342-моддаси биринчи қисмида ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар мавжуд бўлганда, суд давлат ижрочисининг, ундирувчининг ёки қарздорнинг аризасига кўра, суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақлилиги белгиланган.

Бироқ МЧЖ ва қўшимча жавобгарнинг ҳал қилув қарори асосида берилган ижро ҳужжатининг ижросини бир йил муддатга кечиктириш тўғрисидаги аризаларида ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар келтирилмаган, балки суд ҳужжати ижро қилинганда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди ҳам мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермасдан, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди суд ҳужжатининг ижросини кечиктиришда ФКнинг 281-моддаси иккинчи қисми талабига асосланиб, моддий ҳуқуқ нормасини бузилишига йўл қўйган.

Хусусан, ФКнинг 265-моддасида гаров закат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкинлиги, гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закат деб ҳисобланиши, кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланиши белгиланган.

"Ипотека тўғрисида"ги қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 3-моддаси бешинчи қисмига кўра, ипотека бўйича муносабатларга нисбатан, агар ушбу қонунда бошқа қоидалар белгиланмаган бўлса, Фуқаролик кодексида ва "Гаров тўғрисида"ги қонундаги гаров ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади.

ФКнинг 281-моддаси иккинчи қисмида гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни очиқ кимосди савдосида сотишни бир йил муддат-

гача кечиктиришга ҳақлилиги белгиланган.

Кредит қарзи ундирувини ипотека нарасига қаратишни кечиктириш масаласида Қонунда ФКда белгиланган умумий қоидалардан ўзгача шартлар белгиланганлиги сабабли ҳам, низоли ҳолатда ФКнинг гаров ҳақидаги умумий қоидаларини қўллаши мумкин эмас.

Хусусан, қонуннинг 53-моддаси биринчи қисмига кўра, ипотекага қўювчи фуқаро (жисмоний шахс) бўлган ҳолларда, башарти гаров бу фуқаронинг (жисмоний шахснинг) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, у ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича қандай мол-мулкни гаровга қўйганидан қатъий назар, узрли сабаблар бўлган тақдирда, суднинг қарорига кўра, ундирувни ижрога қаратиш ипотекага қўювчининг аризасига мувофиқ суд томонидан бир йилгача муддатга кечиктирилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда ипотекага қўювчи шахслар юридик шахс бўлганлиги ва гаров уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан бевосита боғлиқлиги сабабли ҳам ундирувни гаровга қаратишни кечиктирилишига йўл қўйилмайди.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд этилганларга асосан судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш тўғрисидаги биринчи инстанция судининг ажрими ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, аризалар талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1601-1901/2497-сонли иш

II. Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

1. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устав талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

2003 йилда "А деҳқон (озиқ-овқат) бозори" МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) ташкил қилинган ва унинг таъсис ҳужжатлари адлия бошқармасининг қарори билан рўйхатга олинган.

МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига кўра, жамият устав фонди 9 891 000 сўмни ташкил қилган ва туман ҳокимлиги улуши - 5 044 000 сўм (ёки 51 %), "Матлуботсавдо" ХАК улуши - 3 462 000 сўм (ёки 35 %), фуқаро Б.нинг улуши - 1 385 000 сўм (ёки 14 %) миқдоридан тақсимланган.

2009 йилда МЧЖ таъсисчиларининг таркиби ўзгарганлиги сабабли жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ва МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари адлия бошқармаси томонидан қайта рўйхатга олинган.

МЧЖнинг ушбу таъсис ҳужжатларига кўра, жамият устав фонди 9 891 000 сўмни ташкил қилган ва туман ҳокимлиги улуши - 5 044 000 сўм (ёки 51 %), фуқаро М - 1 385 000 сўм (ёки 14 %), фуқаро С - 1 978 300 сўм (ёки 20 %), фуқаро К - 1 483 700 сўм (ёки 15 %) миқдоридан тақсимланган.

Туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2019 йил 11 ноябрдаги 342-сонли далолатномасида туман ҳокимлиги захирасидаги Беруний кўчасида жойлашган 1590,0 м² ер майдонини баҳолаш хулосасига асосан 15706,9 минг сўм ҳисобида МЧЖнинг устав фондига туман ҳокимлигининг улуши сифатида киритиш масаласи комиссия томонидан мақсад-

га мувофиқ деб ҳисобланган.

Туман ҳокимининг 2019 йил 12 ноябрдаги 6237-сонли қарори билан мазкур далолатнома тасдиқланиб, туман ҳокимлиги захирасидаги ушбу ер майдонини автотураргоҳ сифатида доимий фойдаланиш мақсадида баҳолаш хулосасига асосан 15706,9 минг сўм ҳисобида МЧЖнинг устав фондига туман ҳокимлигининг улуши сифатида киритилган.

МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари йиғилишининг 3-сонли баёни билан МЧЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, МЧЖнинг устав фондини 25597,9 минг сўм, шундан 81,06 фоизи 20750,9 минг сўми туман ҳокимлигига тегишлилигини, қолган 18,94 фоизи бошқа таъсисчилар улуши эканлигини тасдиқлаш, МЧЖнинг таъсис шартномасига киритилган тегишли ўзгартиришни тасдиқлаш ҳамда МЧЖнинг таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш ишларини МЧЖ бошқаруви зиммасига юклаш ҳақида қарор қилинган.

Мазкур йиғилишнинг ўтказиш тартиби бузилганлиги важдари билан даъвогарлар М, С ва К судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар туман ҳокимлиги, МЧЖ, туман ҳокимининг ўринбосари ва А деҳқон (озиқ-овқат) бозори МЧЖ кузатув кенгаши раиси Х.га нисбатан жамият таъсисчиларнинг 2019 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари йиғилишининг 3-сонли баёнини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари

қисман қаноатлантирилиб, жамият таъсисчиларнинг 2019 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари йиғилишининг 3-сонли баёни ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвонинг туман ҳокимлиги, туман ҳокимининг ўринбосари ва МЧЖ кузатув кенгаши раиси Х.га оид қисми бўйича иш юриштиш тугатилган.

Апелляция инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Суд мажлисида даъвогарлар вакили назорат шикоятдаги важларини қўллаб-қувватлаб, апелляция инстанцияси суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлигини, низоли таъсисчиларнинг умумий йиғилиши баёни билан жамият уставига ўзгартириш киритишга асос бўлиб хизмат қилган туман ҳокимлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 6237-сонли қарори туман маъмурий судининг 2020 йил 20 февралдаги қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилганлигини, таъсис шартномаси ва бошқа ҳужжатларни имзолаган жамият бошқарув раисини сайлаш ҳақидаги жамият иштирокчиларининг 2019 йил 14 июндаги 2-сонли умумий йиғилиш баёни бошқа иқтисодий иш бўйича суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилганлигини, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказишнинг ҳамда жамият устав фондидани кўпайтиришнинг амалдаги қонун ва жамият уставда белгиланган тартиби бузилганлигини, низоли қарорда ҳар бир даъвогарнинг улушлари миқдори аниқ кўрсатилмагани, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори баённома кўринишида расмийлаштирилишини баён қилиб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ҳал қилув қарорини кучида қолдириш сўралган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" - ги қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмида жамиятнинг устав фондидани (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставда бундай қарорни қабул қилиш

учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилиши белгиланган.

МЧЖ низомининг 4.1-банди иккинчи хатбошисида ҳам жамиятнинг низом фондидани кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорга биноан амалга оширилиши назарда тутилган.

Бироқ, МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари йиғилишининг 3-сонли баёни билан МЧЖнинг устав фондидани туман ҳокимлигининг улушини кўпайтиришда овозлар сони тўпланмаган бўлса-да, юқорида қайд этилган қонун ва МЧЖнинг низомидани белгиланган талабларни бузган ҳолда туман ҳокимлигининг жамиятдаги улушини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, жамият низомининг 4.5-бандида жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси ва учинчи шахснинг уни жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси асосида жамиятнинг низом фондидани кўпайтириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилиши мумкинлиги, жамият иштирокчисининг аризасида ва учинчи шахснинг аризасида ҳиссани қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддати, шунингдек, жамият иштирокчисини ёки учинчи шахс жамиятнинг Низом фондидани эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Лекин туман ҳокимлиги томонидан мазкур тартибга риоя қилинмасдан, ўзининг 2019 йил 12 ноябрдаги 6237-сонли қарори билан жамият устав фондидани қўшимча улуш киритиши белгиланган.

Шунингдек, МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 26 ноябрдаги навбатдан ташқари 3-сонли йиғилиши баёнида МЧЖнинг устав фонди 25597,9 минг сўм, шундан 81,06 фоизи 20750,9 минг сўми туман ҳокимлигига тегишлилиги, қолган 18,94 фоизи бошқа таъсисчилар улуши

эканлиги баён қилинган бўлса-да, қолган таъсисчилар, яъни даъвогарлар ҳар бирининг улушининг аниқ миқдори кўрсатилмаган. Бу билан қонуннинг 18-моддаси бешинчи қисми ва низомнинг 4.7-бандлари талаблари бузилган.

Олий суд Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 20.1-бандида жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги; 20.2-бандида "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддаси биринчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция суди жамиятнинг устав фондиди кўпайтиришда қонун ва низом талабларида белгиланган тумани ҳокимлигининг ҳиссани кўшиш тартиби, миқдори, усуллари, муддати бузилганлиги, шу сабабли жамият таъсисчиларининг низоли умумий йиғилиши баёни (қарори) ҳақиқий эмас, деб топилиши лозимлиги ҳақида тўғри ва асослантирилган хулосага келган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди қонун ва Пленум қарориди умумий йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас, деб топиш назарда тутилмаганлиги, МЧЖ баён шаклда умумий йиғилиш қарорини қабул қилган бўлса-да, жавобгар асоссиз равишда баённомани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраганлиги ҳақида нотўғри хулосага келиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этган. Чунки қонуннинг 35-

моддасида иштирокчилар умумий йиғилиши баённома шаклида расмийлаштирилиши ҳамда унда йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилиши қайд этилган. Шунга кўра, апелляция инстанцияси судининг даъво аризасида баённомани эмас, қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш сўралиши кераклиги ҳақидаги хулосаси асоссиз ҳисобланади.

Шунингдек, биринчи инстанция суди даъвонинг жавобгарлар туман ҳокимлиги ва бир вақтнинг ўзида туман ҳокимининг ўринбосари ва МЧЖ кузатув кенгаши раиси бўлган Х.га нисбатан қисми бўйича ИПКнинг 110-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан иш юритишни тугатиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек, корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Мазкур низо корпоратив низо ҳисобланиб, у бўйича жавобгар МЧЖ ҳисобланиши, туман ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари ва МЧЖ кузатув кенгаши раиси бўлган Х эса, тегишли бўлмаган жавобгар эканлиги сабабли даъвонинг уларга оид қисмини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, ҳал қилув қарорининг даъвонинг жавобгарлар туман ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари ва МЧЖ кузатув кенгаши раиси Х.га нисбатан қисми бўйича иш юритишни тугатиш қисмини бекор қилиб, даъвонинг мазкур қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1903-2002/5-сонли иш

3. Нотижорат ташкилотлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўловчилари бўлиб ҳисобланмайди, агар нотижорат ташкилот тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб даромад олса, ушбу солиқлар ва мажбурий ажратмаларни белгиланган тартибда тўлайди.

Хоразм вилоят Давлат архитектура - қурилиш назорат инспекцияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан 2014-2018 йиллар ва 2019 йилнинг 1-чораги якуни бўйича тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботлари вилоят давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) томонидан ўтказилган камерал назорат натижаларига кўра, жавобгар томонидан ушбу даврда 1 269 111 400 сўм солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланмасдан қолганлиги аниқланган.

Даъвогар томонидан аниқланган камчиликлар ва қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, яъни аниқланган тафовутлар бўйича 10 кунлик муддат ичида асослантурувчи ҳужжатларни тақдим қилиш юзасидан жавобгарга талабнома юборилган.

Жавобгар томонидан ушбу талабномага белгиланган муддатда жавоб берилиб, унда жавобгар хўжалик ҳисобидаги давлат ташкилоти эканлиги, ягона солиқ тўловчиси ҳисобланиши, 2018 йил 1 январгача ягона солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий амалга ошириши сабабли 2018 йил 1 январдан жавобгар ходимлар сонидан қатъий назар ягона солиқ тўловини тўлашга ҳақлилиги, шунингдек, жавобгар нотижорат ташкилоти бўлганлиги сабабли фойда, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларни тўловчиси ҳисобланмаслиги билдирилган.

Жавобгар томонидан аниқлаштирилган ҳисобот тақдим қилинмаганлиги ва ўз эътирозларини асослантурувчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги важдари билан даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 635 765 500 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ суммасини ундиришни сўраган.

Суднинг 2019 йил 2 октябрдаги ажрими билан ишга Хоразм вилоят молия ва ғазначилик бошқармалари низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 25 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Даъвогар томонидан апелляция инстанцияси судининг қарори устидан назорат шикояти берилиб, апелляция инстанцияси судининг ушбу қарорини бекор қилиш ва ҳал қилув қарорини кучида қолдириш сўралган.

Даъвогар вакили назорат шикоятида келтирилган важдарини қўллаб-қувватлаб, апелляция инстанцияси суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, жавобгар нотижорат ташкилот бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги сабабли умумбелгиланган солиқларни тўлаши лозимлигини таъкидлаб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни ва ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, жавобгар томонидан талабномада билдирилган важдарни ишончлилигини аниқлаш мақсадида даъвогарнинг 2019 йил 22 августдаги 1094хс-сонли буйруғига асосан жавобгарда ўтказилган мавзули экспресс-ўрганиш натижасида 2014-2018 йиллар якуни бўйича 484 201 000 сўм қўшилган қиймат солиғи, 65 307 600 сўм фойда солиғи, 39 431 800 сўм бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 1,6 фоиз мажбурий ажратма, 34 502 000 сўм Республика йўл жамғармасига 1,4 фоиз мажбурий ажратма, 12 322 100 сўм бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллеждари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига 0,5 фоиз мажбурий ажратма, жами 635 765 500 сўм қўшимча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланган.

Биринчи инстанция суди жавобгар томонидан кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлардан олинган пул маблағларини тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад сифатида баҳолаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 2 апрелдаги ПФ-5392-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ташкил этилган.

Ушбу Фармонга асосан жавобгар Хоразм вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси этиб қайта ташкил қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, Республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида" 2018 йил 31 июлдаги 603-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси тўғрисидаги намунавий Низом тасдиқланган.

Қайд этилган Низомнинг 2 ва 3-бандларида ҳудудий қурилиш назорат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги таркибига киради ва ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш ҳамда қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш соҳасидаги техник бошқарув норматив ҳужжатлари талабларига бўйсунилиши, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиши, ҳудудий қурилиш назорат инспекцияси хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланиши белгиланган.

ФКнинг 76-моддаси биринчи қисмига кўра, бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

СКнинг 17-моддасига кўра, нотижорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади.

Нотижорат ташкилотларига бюджет ташкилотлари, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради.

СКнинг 126, 197, 257, 265, 279 ва 312-моддаларида нотижорат ташкилотлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўловчилари бўлиб ҳисобланмаслиги, агар нотижорат ташкилот тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб даромад олса, ушбу солиқлар ва мажбурий ажратмаларни белгиланган тартибда тўлаши белгиланган.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Юқорида келтириб ўтилган қонуности ҳужжат ва қонун нормаларининг мазмунига кўра, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги таркибий тузилмасида хўжалик ҳисобидаги, яъни асосий вазифалари ва функциялари давлат томонидан белгилаб берилган давлат муассасаси бўлиб, ўз ташаббуси билан таваккалчилик асосида даромад олишга қаратилган фаолият, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати даъвогарнинг назорат шикоятини қаноатлантиришни рад этиш, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қонуний асосланган қарор қабул қилган.

4-2201-1902/2568-сонли иш